

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2019 йил октябрь ойининг 31 кунида жиноят ишлари бўйича Бешарик туман суди Бешарик туман Тиббиёт бирлашмаси биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ф.Собиров, З.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешарик туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, жабрланувчининг қонуний вакили Мамажонов Хошимжон Самиевичларнинг иштирокида, Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич, Рахимов Санжар Шокирович ва Махсудов Улуғбек Ғуломовичларга нисбатан № 1-1506-1901/117-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич (O'sarov Isroiljon Karimqo'ziyevich) 10.02.1962 йилда Бешарик туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, мукаддам судланмаган, Бешарик тумани Тиббиёт бирлашмасининг Реанимация ва анестезиология бўлими мудири, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, Бешарик тумани, Абдувай МФЙ, Абдувай қишлоғи, Истиклол кўчаси, 48-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 15.10.2019 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Судланувчи: Махсудов Улуғбек Ғуломович (Maxsudov Ulug'bek G'ulomovich) 21.01.1976 йилда Бешарик туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, мукаддам:

- 1) Жиноят ишлари бўйича Бешарик туман судининг 2002 йил 09 декабрь кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан юритилган жиноят иши 03.12.2002 йил кунги “Амнистия тўғрисида”ги фармонга асосан ҳаракатдан тугатилган;
- 2) Жиноят ишлари бўйича Бешарик туман судининг 2016 йил 13 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, тайинланган жазонинг ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 7 (етти) кундан жиноят ишлари бўйича Бешарик туман судининг 2018 йил 10 август кунги ажримига кўра ЖК 73-моддасига асосан шартли озод қилинган, Бешарик тумани

Тиббиёт бирлашмасига қарашли 17-сонли оилавий поликлиникасида терапевт, Реанимация ва анестезиология бўлимида навбатчи врач реаниматолог, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Бешариқ тумани, Обод МФЙ, Хизиробод кўчаси 26-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 15.10.2019 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Судланувчи: Рахимов Санжар Шокирович (Rahimov Sanjar Shokirovich) 02.03.1985 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, Бешариқ тумани Тиббиёт бирлашмаси Реанимация ва анестезиология бўлимида навбатчи врач реаниматолог, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Бешариқ тумани, Узун МФЙ, Узун қишлоғи, Янги обод кўчаси 81-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 15.10.2019 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Суд жиноят иши материаллари билан танишиб, судланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокарасини, судланувчиларнинг охирги сўзларини эшитиб, тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлими мудирини вазифасида ишлаб келиб, туман тиббиёт бирлашмасининг 04.01.2019 йилдаги 6-сонли буйруғига асосан тиббиёт бирлашмасининг барча бўлимларида қон ва унинг таркибий қисмларини беморларга қуйишда, постранифузион асоратларни олдини олиш, қон қуйишни тўғри ташкиллаш учун масъул жавобгар шахс сифатида ишлаб келиб, беморни ҳолатини ва даволаш ишларини назорат қилиш ҳамда зарурат туғилганда қўшимча текширувлар, мутахассис врачлар консультацияларини ўтказишга мажбур бўлса-да, 2019 йил 13 март куни соат 18:20да оғир аҳволда жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказиб, Реанимация ва анестезиология бўлимига ўтказилган бемор Ю.Ботиралиевага нисбатан ўз касбий фаолиятини талаб этилганидек бажармасдан, уни тўғри даволаш чорасини кўрмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик ва инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, беморни марказий вена босимини ўлчамадан, динамикада қонни биокимё таҳлилларини

тўлиқ ўтказмасдан, динамик кузатувни тўлиқ амалга оширмасдан, шифокорларни биргаликдаги консилиумини ўтказилишини ташкил этмасдан, стукалик диурезни аниқ ўлчамасдан, ўз вақтида нефролог консультацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консультацияларини ўтказмасдан, натижада ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмаслигига ва асоратлар юзага келиб бўлишига сабабчи бўлиб, гемодиализ сеанслари ўтказиш учун РШТЎИМ Фарғона филилалига кеч ўтказиб, касби юзасидан ўз вазибаларини лозим даражада бажармасдан, 11.04.2019 йил куни Ю.Ботиралиевани ўлимига сабабчи бўлган.

Рахимов Санжар Шокирович Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси раенимация ва анестезиология бўлимида врач реаниматолог вазибасида ишлаб келиб, туман тиббиёт бирлашмасининг 04.01.2019 йилдаги 5-сонли буйруғига асосан тиббиёт бирлашмасининг барча бўлимларида тунги вақтларда беморга қон ёки унинг таркибий қисмларини қуйишга рухсат берувчи масъул жавобгар шахс сифатида ишлаб келиб, 2019 йил 13 март куни соат 18:20да оғир аҳволда жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказиб, Реанимация ва анестезиология бўлимига ўтказилган бемор Ю.Ботиралиевага нисбатан ўз касбий фаолиятини талаб этилганидек бажармасдан, уни тўғри даволаш чорасини кўрмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик ва инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, беморни марказий вена босимини ўлчамасдан, динамикада қонни биокимё таҳлилларини тўлиқ ўтказмасдан, динамик кузатувни тўлиқ амалга оширмасдан, шифокорларни биргаликдаги консилиумини ўтказилишини ташкил этмасдан, стукалик диурезни аниқ ўлчамасдан, ўз вақтида нефролог консультацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консультацияларини ўтказмасдан, натижада ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмаслигига ва асоратлар юзага келиб бўлишига сабабчи бўлиб, гемодиализ сеанслари ўтказиш учун РШТЎИМ Фарғона филилалига кеч ўтказиб, касби юзасидан ўз вазибаларини лозим даражада бажармасдан 11.04.2019 йил куни Ю.Ботиралиевани ўлимига сабабчи бўлган.

Махсудов Улуғбек Ғуломович Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси раенимация ва анестезиология бўлимида навбатчи врач реаниматолог вазибасида ишлаб келиб, туман тиббиёт бирлашмасининг 04.01.2019 йилдаги 5-сонли буйруғига асосан тиббиёт бирлашмасининг барча бўлимларида тунги вақтларда беморга қон ёки унинг таркибий қисмларини қуйишга рухсат берувчи масъул жавобгар шахс сифатида ишлаб келиб, 2019 йил 13 март куни соат 18:20 да оғир аҳволда келган бемор Ю.Ботиралиевани жарроҳлик амалиётига жиддий ёндашмай, унга нисбатан ўз касбий фаолиятини талаб этилганидек бажармасдан, уни тўғри операция қилиш чорасини кўрмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик ва инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, бемордаги йўқотилган қон ҳажминини нотўғри аниқлаб, шунга мос тарзда йўқотилган қон ўрнини етарли даражада тўлдирмасдан, марказий вена босимини ўлчамасдан,

динамикада қонни биокимё таҳлилларини тўлиқ ўтказмасдан, натижада ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмаслигига ва асоратлар юзага келиб бўлишига сабабчи бўлиб, касби юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, 11.04.2019 йил куни Ю.Ботиралиевани ўлимига сабабчи бўлган.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Фарғона филиалининг 13.06.2019 йилдаги 235-сонли комиссия суд-тиббий экспертиза хулосасида, ҳомиладор Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20 да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг гинекология бўлимига ётқизилган вақтда акушер-гинеколог Н.Усмонова ва Д.Марсалувалар томонидан ҳомиладорлик муддати нотўғри кўрсатилганлиги, оғир преклампсия асослантирилмаганлиги, реаниматолог У.Махсудов томонидан аёлдаги йўқотилган қон ҳажми нотўғри аниқланганлиги ва шунга мос равишда йўқотилган қон ўрни етарли даражада тўлдирилмаганлиги, операциядан кейинги илк кунларда реаниматологлар С.Рахимов ва бўлим мудир И.Ўсаров томонидан марказий вена босими ўлчанмаганлиги, динамикада қонни биокимё таҳлиллари тўлиқ ўтказилмаганлиги, реанимация бўлимида ётган беморни динамик кузатувлари тўлиқ бўлмаганлиги, врачларни биргаликда консилиум ўтказилмаганлиги, стукалик диурез аниқ ўлчанмаганлиги, ўз вақтида нефролог консултацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консултацияси ўтказилмаганлиги натижасида ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмасдан қолингани ва асоратлар юзага келиб бўлгач гемодиализ сеанслар ўтказиш учун РШТЁИМФФ кеч ўтказилганлиги, бу камчиликлар тиббий ёрдам нуқсонлари бўлиб ҳисобланиши ва Ю.Ботиралиевани ўлими юз беришида сезиларли аҳамиятга эгаллиги, Ю.Ботиралиеванинг ўлимига нормал жойлашган йўлдошни муддатидан олдин кўчиши натижасидаги постгеморрагик шок оқибатида юзага келган ўткир буйрак етишмовчилигининг асорати ҳисобланган кўп аъзолар етишмовлиги сабаб бўлганлиги, Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20 да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига ётқизилган вақтда аёлдаги йўқотилган қон ҳажми тўғри аниқланиб, йўқотилган қон ўрни етарли даражада тўлдирилиб, операциядан кейинги илк кунларда динамикада қонни биокимё таҳлиллари ўтказилиб, ўз вақтида нефролог консултацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консултациялари ўтказилиб, ўз вақтида гемодиализ сеанслари ўтказилганда унинг ҳаётини сақлаб қолиш имконияти бўлар эди деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертизасининг 13.09.2019 йилдаги 87К-сонли хулосасида Ю.Ботиралиевани ўлимига 1 ҳомиладорликнинг 31 ҳафтаси фонида ривожланган ўткир буйрак етишмовчилик, ўткир юрак етишмовчилиги, нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши

оқибатида кўп миқдорда қон кетиши ва прекламписиянинг оғир даражаси, кесарча кесиш операциясидан кейинги ҳолат ва оғирлашган некторик нефроз, уремия, пневмония ва эксудатив плеврит натижасида юзага келганлиги, Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг врач гинекологи Н.Усмонова томонидан бемор олиб келинганда ҳомиладорлик муддати нотўғри аниқланганлиги, операция пайтида қон йўқотишни аниқлашда хатоликка йўл қўйилганлиги ҳамда йўқотилган қон ҳажми ўз ўрнида тўлдирилмаганлиги, операциядан кейинги вақт давомида даволовчи врач С.Рахимов ва реанимация бўлими мудир И.Ўсаров томонидан беморни тўлиқ динамик кузатув олиб борилмаганлиги, врачлар консилиуми кеч ўтказилганлиги, суткалик сийдик ажралиши миқдори ўрганилмаганлиги, нефролог маслаҳати ўз вақтида ўтказилмаганлиги, буйраклар УТТси ўтказилмаганлиги, САС бўйича мутахассислар чақирилмаганлиги мазкур йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳолатга салмоқли таъсир ўтказиб, Ю.Ботиралиеванинг ўлими юзага келишига сабаб бўлганлиги, агар қон йўқотиш ўз вақтида ва тўғри тўлдирилганида, ўткир буйрак етишмовчилиги белгиларини аниқлаган ва ўз вақтида РШТЎИМФФ кўчириш мақсадида ўз вақтида керакли текширувлар ва мутахассислар маслаҳати ўтказилганида беморни ҳаётини сақлаб қолиш имкони борлиги кўрсатилган.

Судланувчи Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич суд мажлисида ўз айбига қисман иқrorлигини билдириб, у 1992 йилдан буён Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасида Реанимация ва анестезиология бўлимида раениматолог бўлиб ишлаб келишлигини, эгаллаб турган бўлим мудир лавозимида 2018 йил июнь ойидан буён ишлаб келишлигини, уни хизмат вазифаларига ҳар куни эрталаб беморларни кўрикдан ўтказиб, кундузги реаниматологларга бўлиб бериш, реаниматологлардан беморларни аҳволи тўғрисида ҳисобот олиб, уларни бирлашма бошлиғи ўринбосарларига етказиш, беморларни бўлимдан бўлимга ўтказиш, беморларни бир шифохонадан бошқа шифохонага ўтказиш бўйича бирлашма бошлиғи ўринбосарларига ҳисоботлар бериш, беморларни аҳволини ва бўлим ходимларини назорат қилиш ва шу каби вазифалар киришлигини, 2019 йил 14 март куни соат 08да бўлимга ишга келган вақтида навбатчи реаниматолог Махсудов Улуғбек Ғуломович билан бирга беморларни кўрикдан ўтказиб турган вақтида бемор Ю.Ботиралиева кечқурун операция қилинганлигини ва операциядан сўнг реанимация бўлимига ўтказилганлиги ҳақида У.Махсудов ҳисобот берганлигини, у ушбу бемор Ю.Ботиралиевани кўрикдан ўтказганида ҳолати оғир, хушида, берилган саволларга жавоб берганлигини, қон босими 140/90, юрак уриши тезлиги 90 та, гемоглабин 52 миқдорда, пешоб келиши йўқ бўлганлигини, беморга мачевой катетер қўйилиб, гемотрансузия режалаштирилганлигини, катетер қўйилганидан сўнг бемордан эрталаб 800 мл сийдик олинганлигини, у У.Махсудовдан бемор Ю.Ботиралиевани қабул қилиб олганлигини, у ушбу беморни даволаш ишини кундузги реаниматолог Рахимов Санжарга топширганлигини, йўқотилган қонни ўрнини тўлдириш мақсадида бир хил

кон гуруҳига оид “Р” масса ва қон зардоби қуйиш режалаштирилганлигини, бемор Ю.Ботиралиевани ҳар куни эрталаб кўриқдан ўтказиб, ҳолати бўйича бирлашма бошлиғи ўринбосарлари Д.Алиева ҳамда А.Тўхтақуловларга ҳисобот бериб турганлигини, бемор Ю.Ботиралиева операциядан сўнг 3 сутка давомида мачевой катетерда турганлигини, 3-куни катетер олиб ташланганлигини ва мустақил бемалол сийганлигини, 19.03.2019 йил куни эрталаб соат 08:30 ларда биринчи каватда жойлашган УЗИ аппаратига олиб тушилганидан сўнг беморни аҳволи оғирлашиб енгил талваса ҳолати кузатилганлигини, унга биринчи ёрдам кўрсатилиб реанимация хонасига ётқизиб қўйилганлигини, шундан сўнг шу куни нефролог мутахассис чақирилиб консультация қилинганлигини, шундан сўнг даволаш ишлари давом эттирилганлигини, бемор Ю.Ботиралиевани қони таркибида креатинин миқдори кўтарилиб 173 ммоль-лга кўтарилганлиги сабабли гемодиализ ўтказишлик учун 20.03.2019 йил куни тавсия берилганлигини ва бемор Ю.Ботиралиева реаниматолог С.Рахимов томонидан олиб кетилиб РШТЁИМ Фарғона филиали реанимация бўлимига ўтказилганлигини, у ерда бемор 20.03.2019 йил кунидан 11.04.2019 йилга қадар ётганлигини ва 11.04.2019 йилда олиб борилган муолажаларга қарамасдан вафот этганлигини, у экспертиза хулосасига қисман қўшилишлигини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертизасининг 13.09.2019 йилдаги хулосасида Ю.Ботиралиевага операциядан кейинги вақт давомида даволовчи врач С.Рахимов ва реанимация бўлими мудири томонидан беморни аҳволи тўлиқ динамик кузатув олиб борилмаганлиги, йўқотилган қон ҳажми тўлиқ тўлдирилмаганлиги, врачлар консилиуми (маслаҳат) кеч ўтказилганлиги, суткалик сийдик ажралиши миқдори ўрганилмаганлиги, нефролог маслаҳати ўз вақтида ўтказилмагани, буйраклар УУТси ўтказилганлиги, САС бўйича мутахассислар чақиртирилмаганлиги, Бешариқ ТТБнинг кўрсатилган врачлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳолатга салмоқли таъсир ўтказиб, Ю.Ботиралиеванинг ўлими юзага келишига сабаб бўлганлиги ҳақидаги хулосасига қўшилишлигини, шунингдек, реаниматолог С.Рахимов вилоят Перенатал маркази реанимация бўлими мудири Убайдуллаев Ваҳоб Хошимовичдан бемор Ю.Ботиралиевани аҳволини айтиб телефон орқали маслаҳатлар олиб турганлигини, реанимация бўлимида даволаниётган бемор Ю.Ботиралиевани ҳолатини ва даволаш ишларини назорат қилиш ҳамда зарурат туғилганда қўшимча текширувлар, мутахассис врачлар консултацияларини ўтказишга Реанимация бўлимида бевосита у масъул ҳисобланишлигини, бу ишлар бевосита уни вазифасига киришлигини, бошқа шифохонага ўтказиш масаласини эса у бемор ҳолатидан келиб чиқиб бирлашма бошлиғи ёки уни ўринбосарларига хабар беришлигини ва улар бошқа шифохонага ўтказишга масъул ҳисобланишлигини, у ҳақиқатдан ҳам ҳар куни ҳар бир беморни даволовчи ва навбатчи шифокор билан бирга кўриқни амалга оширишлигини, у юқорида кўрсатилган

камчиликларга йўл қўйганлигига қисман иқрорлигини, мархумнинг яқин қариндошларидан кечирим сўрашлигини, келгусида бундай хатоларга умуман йўл қўймаслигини, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Рахимов Санжар Шокирович суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2015 йил август ойидан буён Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлимида врач реаниматолог-анестезиолог бўлиб ишлаб келишлигини, уни хизмат вазифаларига реанимация ва анестезиология бўлимига олиб келинган касалларни интенсив кузатув ва даволаш ишларини олиб бориш киришлигини, 2019 йил 13 март куни соат 19 ларда бемор Ю.Ботиралиевани Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинич тиббий ёрдамига олиб келишиб, у ерда унга йўлдошнинг барвақт кўчиши оғир даражаси, ҳомиланинг ички ўлими, постгеморрагик шок 2-жаражаси, прекламписия ташхиси билан жарроҳлик амалиёти хонасига олиб, гинеколог Н.Усмонова томонидан жарроҳлик амалиёти ўтказилганлигини, жарроҳлик амалиёти соат 19-30 ларда тамомланганлигини, шундан кейин, жонлантириш бўлимига қабул қилиниб, барча тиббий муолажалар олиб борилганлигини, эртасига яъни 14 март куни эраталаб соат 08 да у ишга келганлигини, туғруқхона бўлимининг акушер-гинекологи Н.Усмонова уни олдига келиб, “Санжар кеча ушбу беморни операция қилдим, ўзингиз кўриб даволаб беринг” деб айтганлигини, шундан сўнг бемор Ю.Ботиралиевани бўлим бошлиғи И.Ўсаров, акушер-гинеколог Н.Усмонова билан бирга кўрганлигини, беморни умумий ҳолати оғирлигини, яъни кейсар кесиш амалиётидан кейинги давр, касал хушида, кўз қорачиқлари ўртача катталиқдалигини, бемор жарроҳлик амалиётидан сўнг сиймаганлигини, у беморга мочевоӣ катетер улаганлигини, шундан кейин, бемор сийиш учун барча зарурий чораларни кўриб, муолажаларни олиб борилганлигини, касалдан қон намунаси олиб лобараторияга жўнатганлигини, қон таҳлили келганидан сўнг, Ю.Ботиралиевани қони таркибидаги гемоглабин миқдори 48 граммнатилага тушиб қолганлиги сабабли, унга “отмит Р масса” билан плазма қуйилганлигини, беморнинг ҳолати шундан кейин бироз яхши томонга ўзгаришни бошлаганлигини, беморга биринчи куни энфенин, ношпа, фрасулин ёки лазикс дорилари қилинганлигини, ҳар куни “Р масса”, “Албумин” билан плазма қуйиб борилганлигини, бемор ўзи сийишни бошлаганлигини, бемор Ю.Ботиралиева операциядан кейинги 3-куни мочевоӣ катетерини олиб ташлаганлигини унга шериги Деҳқонов Зоҳиджон реаниматолог айтганлигини, бемор ўзи сийётганини айтганлигини, лекин, душанба куни у яъни 2019 йил 19 март куни ишга келиб бемор Ю.Ботиралиевани кўрганида, касални юзлари шишлар пайдо бўлиб қолганлигини, шанба куни у ишдан кетаётган вақтида бундай шишлар нисбатан камлигини, унга яна сийдик катетерини улаганлигини, бемор Ю.Ботиралиевани акушер-гинеколог Н.Усмонова биргаликда кўриб консулиум қилиб беморни УЗИ аппаратида тушириб текшириб кўриш масаласи кўрилганлигини, шундан сўнг у хамшира ва санитаркаларга

насилка олиб келишлигини айтганлигини, улар Ю.Ботиралиевани олдига насилка олиб келганидан сўнг, Ю.Ботиралиева “хожатхонага ўзим бориб келяпманку, УЗИ аппаратига ҳам ўзим тушавераман” деб айтганлигини, насилкага чиқишдан бош тортганлигини, Ю.Ботиралиева кўнмаганидан сўнг Ю.Ботиралиевани ўзига УЗИга тушишига рухсат берганлигини, шундан сўнг Ю.Ботиралиевани турмуш ўртоғи билан дадаси кўлидан ушлаб УЗИ аппарати хонасига яъни биринчи каватга олиб тушишганлигини, бемор ўпка шиши ривожланиб борганлигини, лаборатория тахлилларида мочевинанинг креатинин миқдори кўпайиб, 173,4 га етганлиги, мочевина 13 га кўтарилганлигини, сийдикдаги оксил миқдори 0.66 га, умумий оксил миқдори 48,2 кўрсатилганлигини, шундан сўнг зудлик билан нефрологни кўрикга чақирганлигини, нефролог келиб Ю.Ботиралиевани кўрганлигини, шу куни кечкурун реаниматолог З.Дехқонов вилоятдаги мутахассислар билан гаплашиб тиббий муолажалар қилганлигини, 20 март куни эрталаб, тахлилларда қондаги креатининнинг миқдори 402.9, мочевина 25,6 чиққанлиги, яъни вазият оғирлашганлигини, у зудлик билан Фарғона вилоят перинатал маркази реанимация бўлими тажрибали реаниматологлари билан боғланиб, маслаҳатлар олиб турганлигини, унга гемодиализ ўтказиш лозимлигини айтганлигини, у шундан кейин 2 нафар нефрологларни чақирганлигини, улар келиб, гемодиализ ўтказиш лозимлигини айтишганлигини, шу сабабли ҳам, у 20.03.2019 йилда беморни РШТЎИМ Фарғона вилоят филиалига олиб келишга мажбур бўлганлигини, 13.03.2019 йилдан 14.03.2019 йилга ўтар кечаси Ю.Ботиралиева кузатувини навбатчи реаниматолог Махсудов Улуғбек Ғуломович амалга оширганлигини, операция давомида йўқотилган қонни ўрнини тўлдириш мақсадида йўқотилган қонни қуйиш хажми операторлар, акушер-гинекологлар ва операцияда иштирок этган врачлар томонидан тавсия қилинишлигини, операциядан сўнг беморга қон қуйилган ёки қуйилмаганлигини билмаслигини, лекин беморни 14.03.2019 йил куни эрталаб кўрикда кўрганида қондаги гемоглабин миқдори 48 га тушиб кетганлигини, ҳар куни реанимация бўлими бошлиғи И.Ўсаров, туғруқхона бўлими бошлиғи Г.Сайдахмедовалар кўрикдан ўтказганлиги, у экспертиза хулосасига қисман қўшилишлигини, Марказий вена босимини ўлчовчи катетер қўйилганлигини, фақат уни қўйилганлиги ҳақида қоғоз тушиб қолган бўлиши мумкинлигини, қонни биохимик тахлиллари шифохонада мавжуд имкониятдан келиб чиқиб тўлиқ фойдаланилганлигини, динамик кузатувлар тўлиқ бўлмаганлигига қисман қўшилмаслигини, у ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмасдан қолингани ва асоратлар юзага келиб бўлгач гемодиализ сеанслари ўтказиш учун РШТЎИМФФга кеч ўтказганлиги ҳақидаги эксперт хулосасига қисман қўшилишлигини, у коммиссон суд-тиббий экспертизаси хулосасига қисман қўшилишлигини, ҳақиқатдан ҳам Коммиссион суд-тиббий экспертизасининг 13.06.2019 йилдаги 235-сонли хулосасида Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига ётқизилган вақтда аёлдаги йўқотилган қон

хажми тўғри аниқланиб, йўқотилган қон ўрни етарли даражада тўлдирилиб, операциядан кейинги илк кунларда динамакада қонни биокимё таҳлиллари ўтказилиб, ўз вақтида нефролог консалтацияси, буйраклар ултратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консалтациялари ўтказилиб, ўз вақтида гемодиализ сеанслари ўтказилганида унинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони фоизларда бўлиши мумкинлигини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертизасининг 13.09.2019 йилдаги хулосасида Ю.Ботиралиевага операциядан кейинги вақт давомида даволовчи врач С.Рахимов ва реанимация бўлими мудири томонидан беморни аҳволи тўлиқ динамик кузатув олиб борилмаганлигини, йўқотилган қон хажми тўлиқ тўлдирилмаганлигини, врачлар консилиуми (маслаҳат) кеч ўтказилганлиги, суткалик сийдик ажралиши миқдори ўрганилмаганлиги, нефролог маслаҳати ўз вақтида ўтказилмаганлиги, буйраклар УУТси ўтказилганлигини, САС бўйича мутахассислар чақиртирилмаганлигини Бешариқ ТТБнинг кўрсатилган врачлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳолатга салмоқли таъсир ўтказиб, Ю.Ботиралиеванинг ўлими юзга келишига сабаб бўлганлиги ҳақида хулосасига қўшилишлигини, Ю.Ботиралиевани операция қилган Н.Усмоновдан қон қўйилган ёки қўйилмаганлигини сўраганида, унга операция жараёнида қон ва плазмани етказиб олиб келинганлигини, қонни қўйишни реаниматолог У.Махсудовга айтганлигини, лекин У.Махсудов қўймаганлигини, операциядан кейин бемор Ю.Ботиралиева реанимация бўлимига олиб ўтилгандан сўнг ҳам Н.Усмонова У.Махсудовдан қон қўйган ёки қўймаганлигини сўраганида, У.Махсудов қон қўймаганлиги айтганлигини, уни шулардан хабари борлигини, у юқорида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйганлигига тўлиқ иқрорлигини, марҳумнинг яқин қариндошларидан кечирим сўрашлигини, келгусида бундай хатоларга йўл қўймаслигини, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Махсудов Улуғбек Гуломович суд мажлисида ўз айбига қисман иқрорлигини билдириб, у 1999 йилдан 2015 йилга қадарли Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлимида врач реаниматолог бўлиб ишлаганлигини, у 2016 йилдан буён Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлимида навбатчи врач реаниматолог бўлиб ишлаб келишлигини, уни хизмат вазибаларига реанимация бўлимига олиб келинган касалларни интенсив кузатув ва интенсив даволаш ишларини олиб бориш киришлигини, 2019 йил 13 март куни соат 13:30 да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация ва анестезиология бўлимига навбатчиликни шеригидан қабул қилиб олганлигини, шу куни соат 18:25 ларда навбатчи акушер-гинеколог Н.Усмонова унга телефон қилиб, Шошилинич бўлимида йўлдоши кўчган, оғир бемор борлиги тезда операцияга олиши кераклигини айтганлигини, шундан сўнг у зудлик билан

Шошилинич тиббий ёрдам бўлимининг операция хонасига чиққанлигини, анестезиолог сифатида кўрганида, бемор хушида, қон босими 105/70 мм симоб устунига тенг, пулс 92-94 та, юзларида шишиш аломатлари борлигини, беморда оёғидан бошланиб бел қисмига қадар шишлар аниқланганлигини, постгеморрагик шок 1-даражаси, беморга шошилинич равишда умумий комбинацион наркоз танланганлигини, операциягача беморга 1 литр кристаллоид қуйилганлигини, операция давомида беморга 500 мл плазма ўрнини босувчи суюқлик, 1,5 литр кристаллоид инфузияси ўтказилганлигини, операция давомида бемор динамик кўрсаткичларида критик ҳолатлар кузатилмаганлигини, сийдик найчаси орқали сийдик ажралиши кам миқдордалигини, операция 35-40 дақиқа давом этганлигини, операциядан сўнг 20-25 дақиқада беморни табиий нафаси олиши тикланганлигини ва интубация найча билан реанимация бўлимига ўтказилганлигини, беморни реанимация бўлимида ўзи қабул қилиб олиб, уни кўрганида 30 дақиқадан сўнг берилган кўрсатмаларни тўлиқ бажараётганлиги сабабли бемор экстубация қилиниб оғиз бўшлиғи шиллиғидан тозаланганлигини, бемор қон босими 110/70 мм. с.у, пулс уриши 84-92 тани ташкил этганлигини, сатурация 95-98 %, бемор актив хушида сийдик найчаси орқали сийдик оз миқдорда ажралаётганлигини, навбатчилик давомида бемор гемодинамик кўрсаткичларида критик ҳолатлар юзага келмаганлигини ва сийдик кам ажралишини ҳисобга олиб, гемодилуцияни яхшилаш мақсадида гемотрансфузия вақтинча қилинмаганлигини, 14.03.2019 йил куни эрталаб соат 08 да кундузги реаниматолог Рахимов Санжарга топширганлигини, бемор хушида, қон босими 110/70, пулс уриши 84-92 та, сийдик ажралиши оз миқдорда (олигаулие) аниқлаганлигини ва беморни топшириб навбатчиликдан кетганлигини, шундан сўнг у бемор Ю.Ботиралиевани 2019 йил 15 март ҳамда 18 март кунлари навбатчилик давомида кўрганлигини, у Н.Усмонова кўрсатмаларини тасдиқлашлигини, ҳақиқатдан ҳам Н.Усмонова операция жараёнида “қон ва плазма келди қуясизми” деб айтганлигини, шунда у унга “операциядан сўнг қуяман, ҳозир керак” эмас, 500 мллитр плазма ўрнини босувчи “ПРОЗМАК” суюқлигини қуйганлигини ва қон қўймаслигини айтганлигини, 13.03.2019 йилдан 14.03.2019 йилга ўтар кечаси Ю.Ботиралиева кузатувини навбатчи реаниматолог яъни у амалга оширганлигини, операция давомида йўқотилган қонни ўрнини тўлдириш мақсадида йўқотилган қонни қуйиш хажми операторлар, акушер-гинекологлар ва операцияда иштирок этган врачлар томонидан тавсия қилинишлигини, операция давомида ҳамда операциядан сўнг беморга қон қўймаганлигини, сабаби беморга қон қуйишни лозим деб топмаганлигини, чунки “буйрак етишмовчилиги” белгилари борлигини, лекин беморни 14.03.2019 йил куни эрталаб кўриқда кўрганида қондаги гемоглабин миқдори 48 га тушиб кетганлигини, у С.Рахимовни кўрсатувларини тасдиқлашлигини, сабаби у навбатчилик вақтида гемоглабин миқдорини аниқламаганлигини, чунки қон кетадиган жойи йўқ бўлганлиги сабабли кўрсатма бўлмаганлигини, Ю.Ботиралиевани ҳолатидан келиб чиқиб бир

томондан даволаш стандартлари бўйича қон қуйишга кўрсатма бўлган бўлса, иккинчи томондан гистоз, буйрак етишмовчлигига қарама-қарши кўрсатма бўлганлигини, шу сабабли ҳам қон қўймасликни лозим топганлигини, у коммиссон суд-тиббий экспертизаси ҳамда қайта коммиссион суд-тиббий экспертизаси хулосаларига қисман қўшилишлигини, ҳақиқатдан ҳам Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига ётқизилган вақтда аёлдаги йўқотилган қон хажми тўғри аниқланиб, йўқотилган қон ўрни етарли даражада тўлдирилиб, операциядан кейинги илк кунларда динамикада қонни биокимё таҳлиллари ўтказилиб, ўз вақтида нефролог консултацияси, буйраклар ултратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консултациялари ўтказилиб, ўз вақтида гемодиализ сеанслари ўтказилганида унинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони фоизларда бўлиши мумкинлигини, бемор Ю.Ботиралиева ўзи тиббиёт хамшираси бўлганлиги сабабли “тиббий муколажаларни ўзи тушунади” деб ўйлаб назорат камроқ бўлган бўлиши мумкинлигини, шу сабабли ҳам Ю.Ботиралиевани ўлими келиб чиққан бўлиши мумкинлигини, бемор Ю.Ботиралиева операциядан сўнг унинг сийдиги келишида камайиш кузатилганлигини, сабаб беморда олдиндан буйрак касаллиги бўлганлиги сабабли сийдик келиши камайган бўлиши мумкинлигини, реанимация бўлимида даволанаётган бемор Ю.Ботиралиевани ҳолатини ва даволаш ишларини назорат қилиш ҳамда зарурат туғилганда қўшимча текширувлар, мутахассис врачлар консултацияларини ўтказиш ҳамда бошқа шифохонага ўтказиш учун Реанимация бўлимида бўлим мудирини масъул шахс ҳисобланишлигини, марҳумнинг яқин қариндошларидан кечирим сўрашлигини, келгусида бундай хатоларга асло йўл қўймаслигини, қилмишидан пушаймонлигини, ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Жабрланувчининг қонуний вакили Мамажонов Хошимжон Самиевич суд мажлисида у 1962 йилда туғилган Мамажонова (Мирзаева) Зебохон билан 1984 йил 20 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмуши давомида 3 нафар фарзанди бўлганлигини, уларнинг уччаласи ҳам қиз фарзанд бўлганлигини, турмуш ўртоғи З.Мамажонова 1993 йил 01 июль куни тубуркулёз касаллиги билан вафот этганлигини, шундан сўнг у Бешариқ тумани, Бахмал қишлоғида яшовчи 11.08.1964 йилда туғилган Мамажонова (Обидова) Азиза Болтабоевна билан 1996 йил 21 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб иккинчи турмуш қурганлигини, иккинчи турмуши билан олдинроқ шайрий никоҳдан ўтганлигини, фақат никоҳ гувоҳномаси кейинроқ олинганлигини, иккинчи турмушидан 28.08.1996 йилда туғилган 4-фарзанди Ботиралиева Юлдузхон Хошимжон қизи исмли фарзанд кўрганлигини, фарзанди соғ-саломат катта бўлганлигини, қизини 2018 йил 28 август куни Бешариқ тумани, Усмон Юсупов қишлоғида яшовчи Ботиралиев Элбекка турмушга берганлигини, қизи Ю.Ботиралиев турмуш қурганидан кейин ҳомиладор бўлиб, Чорбоғтўронғи қишлоғида ҳомиладорлик бўйича назоратда турганлигини,

қизи Ю.Ботиралиеванинг ҳомиладорлик вақти яхши кечганлигини, кўриқдан ўтказган шифокорлар қизининг аҳволи яхшилигини айтишганлигини, қизига йодомарин айтишганлигини, уни ҳам сотиб олиб берганлигини, 2019 йил 13 март куни ишда бўлган вақтида уйдагилар телефон қилишиб, қизи Ю.Ботиралиевани туман тиббиёт бирлашмасида шифокорлар жарроҳлик амалиётини ўтказиб, қизини кейсарча кесиш йўли билан туғдириб олишганлигини, чақалоқ ўлик туғилганини айтишганлигини, шундан кейин у зудлик билан шифохонага етиб борганлигини, у ерда қизи Ю.Ботиралиевани аҳволи ўртачалигини, шундан кейин орадан 2 кун ҳам ўтмасдан қизи аҳволи оғирлашиб, шишиб кетишни бошлаганлигини, у бунинг сабабини аниқлаш мақсадида реаниматолог-врач С.Рахимовга учраганида, унга қизи ўзи сияётганини, аҳволи яхшилигини айтганлигини, 2019 йил 19 март куни у шифокор Н.Усмоновага учраганлигини, Н.Усмонова унга қизи Ю.Ботиралиевани УЗИ текширувидан ўтказиш кераклигини айтганлигини, у ерда С.Рахимов ҳам турганлигини, шунда С.Рахимов “Дилором” исмли ҳамширага қизини Ю.Ботиралиевани УЗИ текширувидан ўтказиш учун биринчи қаватга олиб тушишини айтганлигини, ҳамшира “Дилором” куёви “Элбек” ва у қизи Ю.Ботиралиевани иккинчи қаватдан биринчи қаватга қўлтиқлаб ёрдамлашиб пастга олиб тушганлигини, пастда УЗИ хонасига кириб, қизини ётқизиб, шифокор Д.Тиллаев текширганлигини, Д.Тиллаев қизининг буйраги оқариб қолганини айтганлигини, текшириб бўлиши билан қизи Ю.Ботиралиева ўтирган вақтда мазаси қочиб, бошини бир томонга тортиб қолганлигини, шунда зудлик билан қизи Ю.Ботиралиевани яна ётқизиб, носилкага солиб юқори иккинчи қаватга яъни реанимация бўлимига олиб чиққанлигини, у ерда керакли биринчи ёрдамни кўрсатишганлигини, у шундан кейин С.Рахимовга қараб, қизининг аҳволини сўраганида, унга қизининг аҳволи ёмонлашаётганлигини, ўпкаси ХРИП берворганини айтганлигини, у С.Рахимовга қизини Фарғона вилоят шошилинч тиббий ёрдам филиалига олиб бориши ҳақида сўраганида С.Рахимов унга қизи Фарғона шаҳрига етиб бора олмаслигини айтганлигини, эртаси куни, яъни 20 март куни у яна С.Рахимовга учраб, қизи Ю.Ботиралиевани Фарғона шаҳрига РШТТЁИМ филиалига олиб бориши кераклигини айтганида унга С.Рахимов ушбу ҳақда ўйлаб туришганлигини айтганлигини, шунда Н.Усмонова, С.Рахимов, “Одина”, “Гулбахор”, У.Махсудов биргалашиб, мастлаҳатлашиб, Фарғона шаҳрига олиб бориши кераклигини айтишганлигини, шундан кейин қизи Ю.Ботиралиевани пастга олиб тушиб, янги замонавий тез ёрдам хизмат автомашинасига жойлаштиришганлигини, машинага жойлашиб бўлганидан сўнг, ундаги кислород беридиган ускунасининг заряди йўқлигини, туғруқхона бўлиmidан заряди бор кислород берадиган ускунани олиб чиқишганлигини, бу орада қизи тахминан 1-1.5 соатча машинада ётганлигини, шундан кейин қизини Фарғона шаҳрига РШТТЁИМ филиалига олиб келганлигини, бу ерга келганида қабул қилувчи шифокор аввалига беморни қабул қилмаслигини, беморни аҳволи

оғирлиги, унга ёрдам бера олмаслигини, шу сабабли қабул қилмаслигини айтганлигини, шундан кейин, улар билан бирга келган шифокор Н.Усмонова 200.000 сўм пул беришини, ушбу пулларни беморни қабул қилиши учун шифокорга беришини айтганлигини, унга пулни берганлигини, кейин қизи Ю.Ботиралиевани қабул қилишганлигини, лекин Н.Усмонова унга пулларни шифокор олмаганлигини билдириб, қайтариб берганлигини, филиалда қизига “Умиджон” исмли реаниматолог қараганлигини, кейин шу куни кечқурун қизига гемадиализ қилишганлигини, қизида яхши томонга ўзгариш бўлганлигини, “Умиджон” билан қизи ҳақида гаплашганида унга Бешариқ туманида шифохонада 1 ҳафта давомида шифокорлар қизига қараган вақтда қизи буйраги яхши ишламасдан, сийдик чиқармасдан ичи захарга тўлиб кетганини, қизининг аҳволи ўта оғирлигини айтганлигини, шундан кейин филиалда 22 кун давомида қизига муолажалар қилишиб, қон ва плазмалар қуйишганлигини, шунга қарамасдан, қизи Ю.Ботиралиева 11 апрель куни вафот этганлигини, у қизи Ю.Ботиралиева реанимация бўлимида ётишни бошлагандан 3 ёки 4 куни у С.Рахимовга қизини Фарғона шаҳрига малакалироқ врачларга олиб бормоқчи бўлганлигини айтганлигини, шунда С.Рахимов “агар қизингизни бу ердан олиб кетиб Фарғонага ётқизсангиз у ердаги шифокорлар даволай олмабди деб бизни устимиздан кулишади” деб қизини Фарғонага олиб кетишига рухсат бермаганлигини, агар қизини ўша вақтда олиб кетганида соғайиб кетиши мумкинлигини, туғруқхона бўлими бошлиғи Сайдахмедова Гулбахор ҳам икки марта С.Рахимовга вилоят шифохонасига олиб боришлик кераклиги ҳақида айтганлигини, лекин С.Рахимов уни гапларига ҳам кўнмай “ўзим даволаб юбораман” деб айтганлигини, қизи Ю.Ботиралиевага РШТТЎИМ Фарғона филиали шифокорлари яхши қарашганлигини, лекин уларга Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлимида қизини кеч олиб борганлиги сабабли қизи вафот этганлигини, уни РШТТЎИМ Фарғона филиали шифокорлари ҳаракатларига эътирозлари йўқлигини, у фақат Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси шифокорлари ҳаракатларидан норозилигини, суд даврида қизининг соғлигини тиклаш ва унинг вафотидан сўнг дафн маросимларига сарфлаган сарф ҳаражатлари юзасидан судланувчилар томонидан 30.000.000 сўм моддий зарар қопланганлигини, ёши улуғ кишилар ва яқинларининг маслаҳати билан ҳозирда судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уларга айниқса Рахимов Санжар Шокировичга, қолаверса Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевичга нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Сиддиқов Боқижон Умарович суд мажлисида у Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Фарғона филиалида қайта ва комиссиян экспертизалар бўлими мудир лавозимида ишлаб келишлигини, уни хизмат вазифаларига ҳуқуқ тартибот органлари томонидан тайинланган суд-тиббий экспертизаларини ўз вақтида сифатли ва илмий асосда бажариш, экспертиза жараёнида аниқланган тиббий ёрдам нуқсонлари бўйича аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш

мақсадида шифохоналарда клиник анатомик конференциялар ўтказиш ва бошқалар киришлигини, у Бешариқ туман прокуратураси томонидан фуқаро Ю.Ботиралиевани вафот этганлиги ҳолати юзасидан 17.06.2019 йилда тайинланган комиссия суд-тиббий экспертизаси ўтказишда маърузачи эксперт сифатида иштирок этганлигини, тайинлаган комиссия экспертиза юзасидан 1996 йилда туғилган Ботиралиева Юлдузхон Хошимжон қизи номига очилган тиббий ҳужжатлар, патологоанатомик текширув хулосаси билан танишиб чиқиб, қарорда қўйилган саволларни инобатга олиб, экспертлар комиссияси қуйидаги тўхтамга келинганлигини, ҳомиладор Ю.Ботиралиева Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қаршли 13-сонли оилавий поликлиникаси томонидан 2018 йил 23 октябрь куни 12 ҳафталик ҳомиладорлик ташхиси билан кеч ҳисобга олинганлиги, акушер-гинеколог томонидан кўрилмаганлиги, вирусли гепатитга, ОИТСга текширилмаганлиги, қиндан суртма олинмаганлиги, қонни биокимё таҳлили ва нажас таҳлили ўтказилмаганлиги, ультратовуш текшируви ўтказилмаганлиги, сийдик йўллари инфекцияси ҳолатида уролог консультацияси ўтказилмаганлиги, ҳомиладорлик хавфли белгилари ҳақида тушунтирилмаганлиги, ҳомиладорлиги камқонлик, диффуз буқоқ ва сийдик йўллари инфекцияси касалликлари фонида кечганлиги, 2019 йил 04 март кунги кўрикда шифохонада ётиб даволаниш тавсияси берилганида аёл ётишни хоҳламаганлиги кўрсатилганлиги, бундай ҳолатда ёзма тилхат олинмаганлиги, ҳомиладор Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20да тез ёрдам машинасида олиб келиб, Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг гинекология бўлимига ётқизилганида навбатчи акушер гинекологлар Н.Усмонова ва Д.Марасуловалар томонидан кўрилиб “Биринчи ҳомиладорлик биринчи туғруқ 20 ҳафта, нормал жойлашган йўлдошни барвақт кўчиши оғир даражаси, ҳомилани ички ўлими, постгеморрагик шок 2-даражаси, оғир преэклампсия, камқонлик ўрта даражаси” ташхиси қўйилиб, ҳаётий кўрсатма бўйича шошилишч операцияга олишга қарор қилинганлиги ва шу куни соат 18:40да “Шошилишч лапоратомия бачадон пастки сегментидан Кесарча кесиш” операцияси тўғри ўтказилиб, операция вақтида бачадондан ўғил жинсли, ўлик ҳолдаги чақалоқ олинганлигини, ҳомилани она қорнидаги ўлимига нормал жойлашган йўлдошни муддатида олдин кўчиши натижасидаги ҳомила ичи гипоксияси сабаб бўлганлигини, нормал жойлашган йўлдошни барвақт кўчишига эса аёлдаги ҳомиладорлик вақтидаги касалликлар, руҳий ва жисмоний зўриқишлар натижасидаги бачадон ва йўлдош ўртасидаги қон айланишни бузилиши сабаб бўлганлигини, чақалоқ мурдаси суд-тиббий ёки патологоанатомик текширувлардан ўтказилмаганлиги сабабли уни она қорнида қачон нобуд бўлганлигини аниқлаб бўлмаганлигини, операциядан кейинги даврда аёлда постгеморрагик шокнинг асорати-ўткир буйрак етишмовчилиги белгилари кучайиб борганлиги ва 2019 йил 20 март куни даволанишни давом эттириш мақсадида Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига ўтказилганлигини, РШТЎИМФФда керакли текширувлар ўтказилиб, тўғри даволаш ишлари

олиб борилишига қарамасдан 2019 йил 11 апрель куни соат 17да биологик ўлим қайд қилинганлигини, юқоридаги ҳолатда ҳомиладор Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг гинекология бўлимига ётқизилган вақтда акушер-гинеколог Н.Усмонова ва Д.Марасуловлар томонидан ҳомиладорлик муддати нотўғри кўрсатилганлиги, оғир преэклампсия ташхиси асослангилмаганлиги, реаниматолог У.Махсудов томонидан аёлдаги йўқотилган қон ҳажми нотўғри аниқланганлиги ва шунга мос равишда йўқотилган қон ўрни етарли даражада тўлдирилмаганлиги, операциядан кейинги илк кунларда реаниматологлар С.Рахимов ва бўлим мудирини И.Ўсаров томонидан марказий вена босими ўлчанмаганлиги, динамикада қонни биокимё таҳлиллари тўлиқ ўтказилмаганлиги, реанимация бўлимида ётган беморни динамик кузатувлари тўлиқ бўлмаганлиги, врачларни биргаликда консилиуми ўтказилмаганлиги, стукалик диурез аниқ ўлчанмаганлиги, ўз вақтида нефролог консултацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консултациялари ўтказилмаганлиги, натижада ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмасдан қолинганлиги ва асоратлар юзага келиб бўлгач гемодиализ сеанслари ўтказиш учун РШТЁИМФФга кеч ўтказилганлиги, кўрсатиб ўтилган бу камчиликлар тиббий ёрдам нуқсонлари бўлиб ҳисобланишлигини, Ю.Ботиралиевани ўлими юз беришида сезиларли аҳамиятга эга бўлганлигини, тақдим қилинган тиббий ҳужжатлар ва патологоанатомик текширув баённомаси маълумотларига кўра, Ю.Ботиралиеванинг ўлимига нормал жойлашган йўлдошни муддатидан олдин кўчиши натижасидаги постгеморрагик шок оқибатида юзага келган ўткир буйрак етишмовчилигининг асорати ҳисобланган кўп аъзолар етишмовчилиги сабаб бўлганлигини, Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18:20да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига ётқизилган вақтда аёлдаги йўқотилган қон ҳажми тўғри аниқланиб, йўқотилган қон ўрни етарли даражада тўлдирилиб, операциядан кейинги илк кунларда динамикада қонни биокимё таҳлиллари ўтказилиб, ўз вақтида нефролог консултацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консултациялари ўтказилиб, ўз вақтида гемодиализ сеанслари ўтказилганида унинг ҳаётини сақлаб қолиш имконияти бўлиши мумкинлигини, Ю.Ботиралиева ҳомиладорлик вақтида Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 13-сонли Қишлоқ оилавий поликлиника тиббий ходимлари томонидан назорат олиб боришда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилганлигини, яъни 2018 йил 23 октябр куни 12 ҳафталик ҳомиладорлик ташхиси билан кеч ҳисобга олинганлиги, акушер-гинеколог томонидан кўрилмаганлиги, вирусли гепатитга, ОИТСга текширилмаганлиги, қиндан суртма олинмаганлиги, қонни биокимё таҳлили ва нажас таҳлили ўтказилмаганлиги, ультратовуш текшируви ўтказилмаганлиги, сийдик йўллари инфекцияси ҳолатида уролог консултацияси ўтказилмаганлиги, ҳомиладорлик хавфли белгилари ҳақида тушунтирилмаганлиги, 2019 йил 04 март кунги кўрикда

шифохонада ётиб даволаниш тавсияси берилганида аёл ётишни хоҳламаганлиги кўрсатилганлиги, бундай ҳолатда ёзма тилхат олинмаганлиги, кўрсатиб ўтилган ушбу камчиликлар Ю.Ботиралиевани ўлими ва уни ҳомиласи нобуд бўлиши билан бевосита боғлиқ эмаслиги, фуқаро Ю.Ботиралиева 2019 йил 13 март куни соат 18 да Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг Туғруқ бўлимига олиб келиб шошилиш равишида операцияга олиниши тўғри амалга оширилганлиги, лекин акушер-гинеколог Н.Усмонова ва Д.Марасуловлар томонидан ҳомиладорлик муддати нотўғри аниқланганлиги, операция Н.Усмонова томонидан тўғри амалга оширилганлиги, анестезиолог У.Махсудов томонидан йўқотилган қон ҳажми тўғри аниқланмаганлиги ҳамда йўқотилган қон ўрни тўлиқ тўлдирилмаганлиги, операциядан сўнг ҳам реанимация бўлимига олиб ўтилганидан сўнг анестезиолог-реаниматолог У.Махсудов томонидан йўқотилган қон ўрни тўлиқ тўлдирилмаганлиги, операциядан сўнг 2019 йил 14 март кунидан бошлаб Ю.Ботиралиева даволовчи реаниматолог шифокор С.Рахимов ва реанимация бўлими муdiri И.Ўсаров томонидан марказий вена босими ўлчанмаганлиги, динамикада қонни биокимё тахлиллари тўлиқ ўтказилмаганлиги, реанимация бўлимида ётган беморни динамик кузатувлари тўлиқ бўлмаганлиги, врачларни биргаликда консилиуми ўтказилмаганлиги, стукалик диурез аниқ ўлчанмаганлиги, ўз вақтида нефролог консультацияси, буйраклар ультратовуш текширувлари, САС бўйича мутахассис врачлар консультациялари ўтказилмаганлиги, натижада ўткир буйрак етишмовчилиги ўз вақтида аниқланмасдан қолинганлиги ва асоратлар юзага келиб бўлгач гемодиализ сеанслари ўтказиш учун РШТЎИМФФга кеч ўтказилганлиги, юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар тиббий ёрдам нуқсонлари бўлиб ҳисобланишлигини ва Ю.Ботиралиевани ўлими юз бериши билан боғлиқликда туришлигини, акушер-гинеколог Н.Усмонова томонидан Ю.Ботралиевани операцияга олиши тўғри амалга оширилган ҳамда операция тўғри амалга оширилганлиги, бундан ташқари, Н.Усмонова операция жараёнида Ю.Ботиралиева йўқотган қон ўрнини тўлдириш учун қон препаратларини қуйиш кераклигини реаниматологга айтган бўлса, бу ҳолда у ўз вазифаларини лозим даражада бажарган ҳисобланишлигини, Ю.Ботиралиевани операция пайтида реаниматолог У.Махсудов томонидан уни йўқотилган қон ўрни тўлиқ қопламаганлиги ҳамда операциядан кейинги кунлари С.Рахимов ва И.Ўсаровлар Ю.Ботиралиевадаги буйрак етишмовчилиги белгиларини ўз вақтида аниқлай олмаганликлари асосий сабаб бўлганлигини, юқорида кўрсатиб ўтилган реаниматологлар У.Махсудов, С.Рахимов ва И.Ўсаровлар томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажарган бўлишганида Ю.Ботиралиевани ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлишлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Усмонова Нигора Абдурахмоновна суд мажлисида у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлимида акушер-гинеколог лавозимида 1994 йилдан буён ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига: туғруқхона бўлимига келган ҳомиладор аёлларга малакали тиббий ёрдам

кўрсатиш, уларни туғдириш, операция қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифлар киришлигини, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 13 март куни соат 14:30 да навбатчиликни қабул қилиб олганлигини, шу куни у билан бирга туғруқхона бўлимида Марасулова Дилбархон навбатчилик қилаётганлигини, шу куни соат 18:20 ларда операциядан энди чиқиб турган вақтида туғруқхона бўлимининг қабулхона бўлими санитаркаси уни олдига югуриб чиқиб “қон кетган бемор келди” деб айтганлигини, шундан сўнг у зудлик билан биринчи каватга яъни қаблухона бўлимига тушганлигини, у ерда қабулхона ҳамшираси бемор Ю.Ботиралиевани қон босими ва юрак уришлари сонини сўраганлигини, шунда қон босими 100/70, юрак уриши 100 тани ташкил этишлигини айтганлигини, аёл хушида бўлиб саволларга ноаниқ жавоб берганлигини, аёлни юзида, қоринларида шишлар борлигини, шунда у билан бирга қабулхона ҳамширалари, санитаркалар, Д.Марасулова беморни кўриб, унинг кийимларини ечганида иштони ва ич кийими қон бўлиб кетганлигини, унинг оғир аҳволда эканлигини кўрганлигини, она қорнида ҳомиланинг юрак уриши эшитилмаганлигини, беморга қабулда “ҳомиладорликнинг 20 ҳафтаси, йўлдошнинг барвақт кўчиши оғир даражаси, ҳомиланинг ички ўлими, постгеморрагик шок 2-даражаси, оғир преклампися” ташхиси қўйилиб, зудлик билан операция қилиш кераклигини эътиборга олиб, анестезиолог Махсудов Улуғбекни чақирганлигини, қон қуйиш бўлимига телефон қилиб, қон кераклигини айтганлигини, туғруқхона бўлими жарроҳлик хонаси бўш бўлмагани сабабли, шошилинич тиббий ёрдам бўлими навбатчи шифокори Номозалиев Наримон билан боғланиб, ундан жарроҳлик хонасини тайёрлаб қўйилишини, оғир аҳволда бемор келганлигини айтганлигини, шундан кейин, у раҳбарлигида Н.Номозалиев, анестезиолог У.Махсудов ҳамда санитарка иштирокида кейсарча кесиш йўли билан жарроҳлик амалиётини ўтказганлигини, беморнинг қорнини кесганида бачадон кўкимтир рангдалиги, юмалоқ бўйлаб рўпарасидан 2 см кесиб, бачадон тўмтоқ йўли билан кенгайтирилганлиги, қон аралаш сув кетганлиги ва ўлик ҳомила бошидан олинганлиги, киндик пульсация аниқланмаганлиги, йўлдош бачадон бўғзига яқин жойлашган кўчиб бўлганлигини, йўлдош олинганлиги ва у билан 300 миллитрча қон олинганлигини, барча кетган қон таҳминан 1400 миллилитр ҳисоблаганлигини, операциядан кейинги ташхис ҳомиладорлик-1, 31-ҳафтаси, нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши оғир даражаси, ҳомиланинг ички ўлими, постгеморрагик шок 2-даражаси, оғир преклампися ташхиси қўйилганлигини, бемор аҳволи оғир бўлганлиги учун уни реанимация бўлимига ўтказганлигини, у беморни навбатчи реаниматолог У.Махсудовга топширганлигини, беморга экстубация қилишганлигини, беморни эртаси куни реаниматолог С.Рахимов қабул қилиб олганлигини, эртаси куни у бемор аҳволдан хабар олиш мақсадида реанимация бўлимига чиққанида С.Рахимов билан кўришганлигини, бирга бемор Ю.Ботиралиевнани кўрганлигини, беморнинг сийдик котейтери чиқиб кетгани сабабли, ўрнига қўйдириб қўйганлигини, бундан кейинги

бир неча кун давомида беморнинг аҳволи яхшиланиб, беморнинг ўзи сийгани чиқаётганлиги, қорнидаги шишлари қайтганлигини, душанба куни қайтиб келганида, беморда яна шишлар пайдо бўлиб қолганлигини, С.Рахимовга унга Альбумин қуйишини айтганлигини, эртаси куни яна шиш қайтмаганлигини кўрганлигини, С.Рахимов нефролог ўткир пиелонефрит билан яна қайсидир буйрак касали борлигини айтишганлигини, 19.03.2019 йилда беморни УЗИдан ўтказишганида беморда “белая почка” аниқланганлигини, шундан кейин, эртаси куни, сийдик анализларида креатин миқдори ошиб кетишни бошланганлигини, реаниматолог С.Рахимов Фарғона вилоятидаги шифокорлар билан гаплашиб, улардан маслаҳатлар олиб турганлигини, шундан кейин, шифокорлар консилиум қилиб, беморда гемадиализ ўтказиш лозимлигини эътиборга олиб, беморни РШТТЁИМ Фарғона филиалига ўтказишга қарор қилганлигини, 20 март куни С.Рахимов, у ва яна бир реаниматолог З.Дехқонов беморни РШТТЁИМ Фарғона филиалига олиб келганлигини, олиб келганида қабул қилувчи шифокор аввалдан келишувсиз беморни олиб келинганлигини айтишганлигини, шундан кейин тумандаги раҳбариятга телефон қилиб айтганлигини, шундан кейин беморни қабул қилишганлигини, шундан кейин, улар бемордан яна 2 марта хабар олгани келганлигини, беморнинг умумий аҳволи оғир бўлсада, яхши томонга ўзгаришлар бўлиб, яна ҳолати оғирлашиб қолаверганлигини, гемадиализ олгани учун беморнинг аҳволи бироз яхшиланганлигини, лекин ўлимига полиорган етишмовчилик, уремия, гломерулонефрит сабаб бўлганлигини, ҳақиқатдан у ҳомиладорлик картасидан кўрганида бемор сийдик қийналиши билан поликлиникага мурожаат қилганлигини, даволаш муолажалари буюрилганлигини, лекин бемор шифохонада ётмасдан, уйда даволанганлигини, бемор Ю.Ботиралиева уйда кетган қонни ҳажми 300 мл атрофида, йўлда келаётган вақтида 400 мл, операция жараёнида 700-800 мл жами 1400 мллитр қон ҳажми кетганлигини у баҳолаганлигини ва бу ҳақида анестезиолог Махсудов Улуғбекка айтилганлигини, у томонидан ҳисобланган кетган қон ҳажмига мос равишда қон ва плазма операция жараёнида анестезиолог кўлига топширилганлигини, анестезиолог У.Махсудов “кетган 1400 мллитр қон ҳажмига мос равишда қони ва плазмани операция жараёнида қўймайман, операциядан сўнг қуяман” деб айтганлигини ва операция давомида СВДН кўтариб имфузия кристаллоид-каллоид қуйганлигини, у 19.03.2019 йилда Ю.Ботиралиевада яна шишишлар пайдо бўлган вақтида у бош акушер-гинеколог Сайдахмедова Гулбахорхонга айтганлигини, Чорбоғтўронғи ТТЁБ навбатчи шифокори бемор Ю.Ботиралиевани яшаш хонадонидан тез тиббий ёрдам автомашинасида туғруқ бўлимига олиб келиб қабулхонанинг навбатчи ҳамширасига топшириб ўзи кетиб юборганлигини, у тушганида у шифокор ва тез ёрдам автомашинаси йўқлигини, шундан сўнг у Ю.Ботиралиевани қайнонасида сўраганида унга “келиним 6 ойлик, қон кетиб қолди” деб айтганлигини, у Ю.Ботиралиевадан охири хайз келиш даврини сўраганида қайнонасида уялганиданми “билмайман” деб айтганлигини, шунда у 6

ойлик келинчак бўлганлиги учун “5-5 ярим ойлик ҳомиладор” деб ҳисоблаганлигини, у ҳомилани ҳафтасини аниқ билмаганлигини сабаби Ю.Ботиралиевани қорин соҳасида юзида қўлларидида шиши бўлганлиги ва бачадон доимий тўсинда бўлганлиги сабабли аниқ билинмаганлигини, Чорбоғтўронғи ТТЁБ навбатчи шифокори йўлланма хатни навбатчи шериги Д.Марасуловага берганлигини айтганлигини, лекин унга ҳам Д.Марасуловага ҳам ҳеч қандай қозоғ берилмаганлиги, агар берилганида у ҳомила ҳафтасини аниқ билган бўлишлигини, комиссия суд-тиббий экспертизаси хулосасида ёрдамчи жарроҳ Н.Номозалиевни бир ўзи кетган қон ҳажминини аниқламаганлиги, кетган қон ҳажминини у, ёрдамчи жарроҳ Н.Номозалиев ва анестезиолог У.Махсудов ва шериги Д.Марасулова тўртталаси биргаликда “1400 миллилитр атрофида қон кетган” деб баҳолаганлигини ва ушбу қонни ҳажминини тўлдириш анестезиолог У.Махсудовга юклатилганида у кетган қонни операциядан кейин қуйишини айтганлигини, у бемор Ю.Ботиралиевани аҳволини кўриб, “қон босими, юрак уришлари сони, нафас олиш тезлиги, терини ранги, хушини ҳисобга олиб, алговир шок-1га тенглигини ҳисоблаб шокни 2-даражали этиб белгилаб, 1400 миллилитр қон кетган” деб баҳолаганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Марасулова Дилбар Турсунбоевна у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлимида навбатчи акушер-гинеколог лавозимида 1995 йилдан буён ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига туғруқхона бўлимига келган ҳомиладор аёлларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни туғдириш, операция қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар киришлигини, 2019 йил 13 март куни соат 14:30 да навбатчиликни қабул қилиб олганлигини, шу куни у билан бирга туғруқхона бўлимида Н.Усмонова навбатчилик қилаётганлигини, шу куни соат 18:20ларда у гинекология бўлимида икки нафар беморни кўриб турган вақтида қабулхона бўлими санитаркаси уни олдига бориб “қон кетган бемор келди” деб айтганлигини, шундан сўнг олдидаги беморни кўриб бўлиб кейин қабулхона бўлимига бориб, бемор Ю.Ботиралиевани навбатчи шериги врач Н.Усмонова билан бирга кўришни бошлаганлигини, аёлда юзида, қорнида оёғида шишлар борлигини, хушидалигини, лекин саволларга тўлиқ жавоб бермай кўзини юмиб жавоб берганлигини, юрак уриши тезлиги 100 та, қон босими 110/70, йўлдош кўчиш оғир преклапсия касаллигида бўлганлиги сабабли ҳам “оғир преклапсия” ташхисини қўйиб, уни операция қилиш лозимлигини, лекин туғруқ бўлимнинг иккала жарроҳлик хоналарида ҳам операция бўлиб ўтганлиги сабабли, ушбу хоналарни тозалаш ва янги операцияга тайёрлаш учун маълум вақт кетишини ҳисобга олиб шериги Н.Усмонова Шошилинч бўлими жарроҳлик хонаси бўш ёки бўш эмаслигини сўраганида улар бўш эканлигини айтганлигини, сўнг Ю.Ботиралиевани биргаликда насилкада Шошилинч бўлимига олиб ўтганлигини, шундан сўнг операцияга Н.Усмонова, ёрдамчи жарроҳ Н.Номозалиев, анестезиолог У.Махсудов иштирок этиш учун операция хонасига кириб кетганлигини, у эса Ю.Ботиралиевадан олинган қонни

лаборатория текширувларидан ўтказишлик, ҳамда кетган қон хажмига яраша қон ва плазма топиб келиш ишларини бажариб юрганлиги учун операция жараёнида иштирок этмаганлигини, Ю.Ботиралиевани қон гуруҳини аниқлаб кетган қон хажмига мос равишда қон ва плазма топиб келтириб операция хонасига олиб кириб берганлигини, операция жараёнида кетган қон хажмини анестезеолог У.Махсудов назорат қилиб турган ҳамда беморни қонни ўша қуйиши керак бўлганлигини, операция жараёни бўлаётган вақтида у Шошилиш бўлимида беморга тиббий баённома очиш учун рўйхатга олиш китобини кўрганида у ерда соат 19 да бошқа бемор қайд этилганлиги сабабли у ҳам Ю.Ботиралиевага соат 19 да тиббий баённома очганлигини, операциядан сўнг бемор Ю.Ботиралиевани ахволи оғир бўлганлиги сабабли тўғридан тўғри реанимация бўлимига олиб ўтилганлигини, навбатчи реаниматолог У.Махсудов беморга зарурият бўлган тақдирда қон қуйишлигини айтганлигини, у соат 21 ларда анестезиолог У.Махсудовга бемор Ю.Ботиралиевага қон қуйган ёки қуймаганлигини сўраганида, унга Ю.Ботиралиевага қон қуймаганлигини Н.Усмоновга айтганида ундан эштиганлигини, 14.03.2019 йил куни у бош акушер-гинеколог Сайдахмедова Гулбахор билан бирга Ю.Ботиралиевани ахволини билиш учун реанимация бўлимига кирганида, Ю.Ботиралиеванинг ҳолати оғирлиги, сийдик кам келаётганлигини, операциядан кейинга ҳолат, пост гемологик шок 2-даражаси, пост гемологик камқонлик оғирлик даражаси ташхиси қўйилганлигини, шу куни эрталаб бемор Ю.Ботиралиевани кўргани кирганида унинг касаллик тарихида қон умуман қуйилмаганлигини, ҳолатига қараб қон қуйилиши режалаштирилганлигини кўрганлигини, шундан сўнг Ю.Ботиралиевани ҳолатини билишлик учун реанимация бўлимига кирмаганлигини, кейинги навбатчиликка келган куни 30.03.2019 йилда Ю.Ботиралиева оғир аҳволда РШТЁИМ Фарғона филиалига олиб кетилганлигини эшитганлигини, у экспертиза хулосасига тўлиқ қўшилишлигини, ҳақиқатдан ҳам экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликлар ўз вақтида тўлиқ қилинганлигида Ю.Ботиралиевани ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлиши мумкинлигини, бемор Ю.Ботиралиевада операциядан сўнг реанимация бўлимига олиб ўтилганида биринчи куни сийдик кам келганлиги, операциядан сўнг анестезиолог шифокор У.Махсудов Ю.Ботиралиевада қанча миқдорда сийдик келганлигини кузатганлигини, кам сийдик келган бўлса нима сабабдан нефролог кўриги ўтказилмаганлигини даволовчи врач реаниматолог С.Рахимов билишлигини, уни операциядан кейинга даврда Ю.Ботиралиевани ахволдан хабари бўлмаганлигини, сабаби у фақат навбатчи бўлган кунлари ишга келишлигини, у акушер-гинеколог врач сифатида ишлашлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Сайдахмедова Гулбахор Набиевна суд мажлисида у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлимида врач вазифасида ишлаганлигини, у 2017 йил 10 август кунидан 2019 йил 21 майга қадар Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқхона бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлигини, уни туғруқхона бўлими бошлиғи лавозимида

ишлаган дарвида хизмат вазифаларига тумандаги туғруқ ёшидаги аёлларни тиббий кўриклардан ўтишларини назорат қилиш, акушер-гинекологларни ҚОПларга чиқишларини, ва ҚОПларга етиб боришларини таъминланишини назорат қилиш, оналик бўйича чиқарилаётган давлат дастурлари, президент қарорларини амалда ишга тадбиқ қилиш, туғруқхона ишчи-ходимлари ишга келиш ва ишдан кетишини назорат қилиш, юқори ташкилотлардан келган топшириқларни бажарилишини назорат қилиш, потология бўлимида тукқан аёллар, туғруқдан кейинги операция бўлган аёлларни кўриқдан ўтказиш, дори-дармонлар таъминотини назорат қилиш, туғруқхона тозалигини назорат қилиш, оналар ва чақалоқлар соғлигини йўриқнома асосида назорат қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар киришлигини, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 14 март куни ишга келганида, соат 08:30 ларда навбатчи акушер-гинеколог Н.Усмонова унга “кеча Чорбоғтўронғи қишлоғидан бир бемор аёл келди, аҳволи жуда оғир эди, қон кетаётганди, операция қилиб қонни тўхтатдик, боласи ўлик туғилди, ҳозир мен ўша аёлни кўриқдан ўтказиб чиқаяпман, аёлни қони кам экан, реаниматолог Санжарбек қараяпти, аёл шишиб кетган” деб айтганлигини, шундан сўнг у “Оналик ва болалик”ни муҳофаза қилиш бўйича бирлашма бошлиғи ўринбосари Алиева Дилнозахонга телефон қилиб, унга “Дилнозахон кеча Чорбоғтўронғи қишлоғида бир аёл келган экан, операциядан кейин реанимацияда ётган экан, Чорбоғтўронғи ҚОПнинг шифокорлари келсин, “Р” масса ва плазма керак бўладиган бўлса топишга ёрдам беради” деб айтганлигини, шундан сўнг у реанимация бўлимига кирганлигини ва бемор Ю.Ботиралиевани кўриқдан ўтказганида, умумий аҳволи оғир, лекин саволларга жавоб берарди, Санжарбек сийдик келмаётган эди, дориларини кўйяпмиз, сийдик кела бошлади, плазма кўйяпман” деб айтганлигини, шунда у “агар вилоятдан керакли мутахассислар керак бўлса айтинг чақирамиз” деб айтиб чиқиб кетганлигини, шундан сўнг орадан бир соатча вақт ўтиб унга Д.Алиева телефон қилиб “опа аёл яхши эканку, Чорбоғтўронғи ҚОП шифокорлари келишган экан Санжар қайтариб юборибди, сиз менга ваҳима қилган эдизку” деб айтганлигини, шу куни тушлик вақтидан сўнг акушер-гинеколог Н.Усмонова “Ботиралиевани кўриб чиқдим, сийдик келяпти экан, аҳволи яхши томонга ўзгариш бор деб айтганлигини, у ҳам шу куни кечки пайт Ю.Ботиралиевани олдига кириб кўриқдан ўтказганида, унинг ҳолати ўртача, шишлари кўплигини, саволларга жавоб бераётганлигини, қон босими 130/90, сийдик 900 мл келиб турганлигини кўрганлигини, 2019 йил 15 март куни соат 08 да ишга келганида сўнг ҳам Ю.Ботиралиевани олдига кириб кўрганлигини, кўриқда умумий аҳволи ўртача оғирликда, қон босими 130/90, шишишлари камайганлигини, сийдиклари келиб турганлигини, 2019 йил 16 март куни соат 08 ларда акушер-гинеколог Н.Усмоновадан Ю.Ботиралиева ҳақида сўраганида, “аёл бемалол ўзи сийиб келяпти, аҳволи яхшиланди, ўзи бемалол юрибди, овқатларини истеъмол қияпти, сийдик таҳлилларида оқсил камайиб боряпти” деб айтганлигини, шундан сўнг уни кўнгли тинчланганлигини, у Н.Усмоновадан “Туғруқ

бўлимига Реанимация бўлимидан қачон олиб ўтилар экан” деб сўраганлигини, шунда Н.Усмонова “Санжарга онаси илтимос қилган экан Реанимация бўлимидан тўғри уйига олиб кетар экан” деб айтганлигини, шундан сўнг у 16.03.2019 йил куни тушлик вақтидан сўнг Тошкент шаҳрига кетиб, эртаси куни қайтиб келганлигини, 2019 йил 19 март куни эрталаб соат чамаси 09ларда Паталогия бўлимининг ходими “Сизни реанимация бўлимига чақиряпти, Ю.Ботиралиева судорги берибди” деб айтганлигини, шундан сўнг зудлик билан Реанимация бўлимига кирганида Ю.Ботиралиева дорилар таъсирида ухлатилганлигини, шишишлар катталашиб кетганлигини, у С.Рахимов ва Н.Усмоноваларга “касални яхши деб айтган эдиларингку шишиб кетибдию” деб сўраганида, касал жума ва шанба кунлари тўлиқ яхши бўлганлигини, душанба кунига озгина шишишлар пайдо бўлиб қолганлигини, сешанба яъни бугунги кунга янада шишиб кетганлигини айтишганлигини, кейин улар қонидаги шишишлар кучайиб кетганига УЗИ буюрганлигини, УЗИ хонасида судорги бериб қолганлигини айтганлигини, кейин дарҳол Вилоят ССБ билан боғланайлик деб айтганлигини, “қонни биокимёвий таҳлили, сийдикни умумий таҳлилини қайта текширайлик, вилоят САС мутахассисларини чақирайлик” деб айтганлигини, бу ҳақида Тиббиёт бирлашмаси “Оналик ва болалик”ни муҳофаза қилиш ўринбосари Д.Алиевага ҳам айтганлигини ва Фарғона вилояти Перинатал маркази бош врач Г.Рахимовага телефон қилиб бемор Ю.Ботиралиева ҳақида ҳозирги ҳолати бўйича ахборот берганлигини, Г.Рахимова бемор ҳақида маълумотларни билиб, Фарғона вилояти перинатал маркази бош анестезиолог-реаниматолог врач В.Убайдуллаев билан боғлаб берганлигини, В.Убайдуллаев бемор ҳақида сўраганида у бу тўғрисида маълумот берганлигини ва вилоятдан САС чақириб кераклигини айтганлигини, шу билан уни гапларини эшитиб бўлгандан сўнг беморга ким қараётганлигини сўраганлигини, у шунда тиббиёт бирлашмаси Реанимация бўлими реаниматолог врач С.Рахимов қараётганлигини айтганлигини ва В.Убайдуллаев “Санжар билан ўзим телефонлашиб гаплашаман” деб айтганлигини, у шу куни Реанимация бўлимидалигини, шу заҳоти Реанимация бўлими реаниматолог врач С.Рахимовга “вилоят перинатал маркази бош анестезиолог-реаниматолог врач Убайдуллаев сизга телефон қилиб сиз билан гаплашар экан” деб айтганлигини, у С.Рахимовга “бемор Ю.Ботиралиева аҳволи оғирлашганлигини, беморга шиш кучайди, креатинин таҳлили 173 кўтарилибди, Сиз ҳам САС керак деб айтинг” деб айтганлигини, шу куни врач В.Убайдуллаев С.Рахимовга телефон қилиб бемор тўғрисида гаплашганлигини, беморга олиб борилаётган даволарни коррекция қилиб кўшимча дорилар ёздирганлигини, С.Рахимов у “опа хижолат олманг ҳаммаси яхши бўлади, ваҳима қилманг”деб айтганлигини, шу билан врач С.Рахимов бемор Ю.Ботиралиевага даволарни давом эттириш учун кириб кетганлигини, у эса туғруқ бўлимига кириб кетганлигини, эртаси куни яъни 20.03.2019 йил куни бемор Ю.Ботиралиева соғлигидан хабар олиш учун кирганлигини ва беморни умумий аҳволида стабил оғир, таҳлилларни

такрорлаш учун қон олдирганлигини, С.Рахимов вилоят мутахассиси В.Убайдуллаев билан боғланиб беморга қилинган даволарни айтганлигини, вилоят мутахассиси В.Убайдуллаев қўшимча муолажалар буюрганлигини ва врач С.Рахимов беморга яна эътибор билан қарай бошлаганлигини, шу куни соат 11 ларда лабораториядан креатинин тахлили 402 га ошиб кетганлиги жавоби чиқиб келганлигини, врач С.Рахимов яна вилоят мутахассиси В.Убайдуллаев билан боғланганлигини бемор Ю.Ботиралиевани ҳолатини тушунтирганлигини ва бемордан креатинин 400 га ошганлигини айтганлигини, унга врач С.Рахимов эртага “Наврўз” байрами деб шу куни беморни вилоят Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими акушер-гинеколог Н.Усмонова билан тез ёрдам машинасида жўнатганлигини, шу куни у акушер-гинеколог Н.Усмоновага телефон қилиб беморни ҳолатини сўраганлигини, Н.Усмонова унга Республика Шошилинч тез тиббий илмий маркази Фарғона филиали гемаодиализ бўлимига ётқизилганлигини айтганлигини, 22.03.2019 йил куни даволаш ишлари бўйича ўринбосар, Д.Алиев ва маҳалла дояси М.Усмоновалар билан беморни ҳолатини билгани борганлигини, бемор Ю.Ботиралиевага қараётган “Умиджон” врач билан гаплашганлигини, у бемор тўғрисида сўраганлигини врач “беморга керакли муолажалар қилинган, ҳаммаси яхши бўлади” деб айтганлигини, у беморни олдига кирганлигини, беморга гапирганда бемор секин жавоб қайтарганлигини, шу куни улар Д.Алиева ва М.Усмоновалар билан Бешариқ туманига қайтиб кетганлигини, шу билан улар тиббий ходимлар акушер-гинеколог Н.Усмонова, маҳалла акушер-гинеколог Н.Йигиталиева, реаниматолог С.Рахимов, анестезиолог У.Махсудов, Д.Алиевалар билан Республика Шошилинч тез тиббий илмий маркази Фарғона филиали Реанимация бўлимида ётган бемордан хабар олгани бориб турганлигини, 11.04.2019 йил куни бемор Ю.Ботралиевани Республика Шошилинч тез тиббий илмий маркази Фарғона филиали Реанимация бўлимида вафот этганлигини “Оналик ва болалик”ни муҳофаза қилиш ўринбосари Д.Алиева телефон орқали айтганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Номозалиев Наримон Назаралиевич суд мажлисида у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тиббий ёрдам бўлимида навбатчи жарроҳ врач бўлиб 2009 йилдан буён ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига шошилинч ёрдамга муҳтож хирургик касалликлар билан мурожаат қилган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш, шошилинч тиббий ёрдам бўлимида ётган беморларни даволаш жараёнини назорат қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар киришлигини, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 13 март куни соат 08 да Шошилинч тиббий ёрдам бўлимида навбатчиликни қабул қилиб олганлигини, у навбатчилик қилиб турган вақтида шу куни соат тахминан 18:30 туғруқ бўлимнинг навбатчи шифокори Н.Усмонова унга телефон орқали туғруқхона бўлимнинг операция хоналари банд эканлигини, “Шошилинч тиббий ёрдам бўлимнинг жарроҳлик хонаси бўшми?” деб сўраганлигини, шунда унга “ха, бўш жарроҳлик хонаси” деб

жавоб берганлигини, шунда Н.Усмонова унга “бир қон кетган бемор аёл бор шу аёлни олиб ўтамиз” деб айтганлигини, у рози бўлиб “операцияда иштирок этиш учун тайёргарлик кўриб тураман” деб айтганлигини, шундан сўнг ушбу бемор аёл операция хонасига олиб кирилганлигини, операцияда оператор жарроҳ сифатида Н.Усмонова, ёрдамчи жарроҳ сифатида у, анестезиолог У.Махсудов, ўрта тиббиёт ҳамширалари иштирок этишганлигини, бемор аёл операция хонасига олинганида анестезиолог У.Махсудов операцияга тайёрлашни бошлаганлигини, операция жараёнида беморни қорин қисми ёрилиб кесарча кесиш операцияси ўтказилганлигини, операция вақтида бемор қорнида бўлган ҳомила нобуд бўлганлиги, йўлдош кўчган, бачадонда тахминан 150-200 миллилитр қон лахтаги борлиги аниқланганлигини, операциядан олдин бемор аёлдан қон олиниб, унинг қон гуруҳи аниқланганлигини ва операция жараёнида ушбу кетган қон хажмига мос равишда қон ҳамда плазмани навбатчи акушер-гинеколог Марасулов Дилбар олиб келганлигини, лекин ушбу қон ва плазмани анестезиолог У.Махсудовга топширган ёки топширмаганлигини билмаслигини, сабаби у жарроҳлик амалиётини ўтаётганлигини, операция тахминан 30-35 дақиқа давом этганлигини, бемор Ю.Ботиралиевада жами кетган қон миқдорини у, Н.Усмонова, Д.Марасулова, У.Махсудовлар ҳисоблаб жами “1400 мл қон кетган” деб ҳисобланганлигини, кетган қон хажмига мос равишда қон ўрнини босувчи суюқликлар билан операция жараёнида тўлдирилганлигини, лекин қон компонентлари қуйилмаганлигини, касал операциядан сўнг ҳолати оғир бўлганлиги сабабли реанимация бўлимига ўтказилганлигини эшитганлигини, ушбу бемор Ю.Ботиралиевани ҳолати орада бир яхшиланиб, сўнг яна оғирлашиб қолганлиги сабабли РШТЁИМ Фарғона филиалига олиб кетилганлигини эшитганлигини, орадан анча вақт ўтганидан сўнг бемор Ю.Ботиралиева вафот этганлигини эшитганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ўралов Умаржон Ўринбоевич суд мажлисида у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг ТТБ бўлимига қарашли Чорбоғтўронғи тез тиббий ёрдам бригадасида кундузги шифокор бўлиб 2018 йил 01 февраль кунидан буён ишлаб келишлигини, уни хизмат вазифаларига чақириқларни қабул қилиш, манзилга вақтида етиб бориш, беморларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш, зарурият туғилганда Марказий шифохонага етказиш ва шу каби вазифалар киришлигини, 2019 йил 13 март куни соат 08 да навбатчи шифокордан ишни қабул қилиб олиб, шу куни ўзи навбатчи бўлганлиги сабабли, соат 15:30 да кундузги шифокор вазифасидан навбатчи шифокор бўлиб навбатчиликни қабул қилиб олганлигини, у навбатчилик қилиб турган вақтида Бешариқ тумани, Чорбоғтўронғи МФЙ, Бўстон қишлоғида яшовчи 1996 йилда туғилган Ботиралиева Юлдузхон соғилиги ёмонлашганлиги туфайли қайнонаси соат 17:32 да кўнғироқ қилиб уларни чақирганлигини, у ушбу куни навбатчи фелдшерлик қилган Хасанов Лазиз билан биргаликда Ю.Ботиралиевани яшаш хонадонига тез ёрдам автомашинасида 8 дақиқада етиб

борганлигини, 17:40 да Ю.Ботиралиевани хонадонига кириб борганлигини, хонадонга кириб Ю.Ботиралиевани текшириб кўрганида, Ю.Ботиралиевани шикоят белида кучли оғриқ пайдо бўлганлигини айтганлигини, қон босими 145/100, пулс 88 та, ҳомиладорлик бўйича рўйхатда туришлигини, 29-30 ҳафталик эканлигини, у текшириб кўрганида Ю.Ботиралиевада қон кетиш ҳолатлари кузатилмаганлигини, у фелдшери Л.Хасановга 25% 5 млли магний сульфат, мушак орасига юборишини айтиб, Ю.Ботиралиевани турмуш ўртоғи билан ҳовлида гаплашиб турган вақтида фелдшери уни ёнига чиқиб унга “укол қилдирмади” деб айтганлигини, шунда у ўзи Ю.Ботиралиевани олдида кириб унга ушбу уколни мушаклари орасига юборганлигини, укол қилиши билан Ю.Ботиралиевада қандайдир оралик соҳасида ўзгариш юз берганлигини, шунда қайнонаси “бир дақиқага ташқарига чиқиб турунлар мен ўзим келинимни кўрай” деб айтганлигини, улар ташқарига чиқиб турганлигини ва орадан бир ёки икки дақиқа ўтар-ўтмас Ю.Ботиралиевани қайнонаси уларни хонага чақирганлигини, шунда қайнонаси полда турган қон лахтагини кўрсатиб, ушбу қон лахтаги Ю.Ботиралиевани ич кийимидан тушганлигини айтганлигини, шундан сўнг у тез ёрдам автомашинасини ҳовлига олиб киришини айтганлигини, автомашина ичкарига кирганидан сўнг Ю.Ботиралиева ётган хонани олдида олиб келишга ҳаракат қилганлигини, сабаби Ю.Ботиралиева ортиқча ҳаракат қилиб қўймаслиги учун бўлганлигини, шундан сўнг насилкага Ю.Ботиралиевани юклаб туман Марказий шифохонасининг туғруқ бўлимига олиб боришлик учун йўлга чиққанлигини, йўлда кетаётган вақтида Ю.Ботиралиева белидаги оғриқдан шикоят қилиб кетганлигини, у туман Марказий шифохонаси туғруқ бўлимига соат 18:14 да етиб келганлигини, туғруқ бўлимига олиб келганидан сўнг бемор Ю.Ботиралиева ўзи ўрнидан туриб юришга ҳаракат қилганлигини, лекин у қарши чиқиб унга юриш мумкин эмаслигини тушунтирган ҳолда насилкага ётқизиб туғруқ бўлимига олиб кирганлигини, Туғруқ бўлимида бемор Ю.Ботиралиевани навбатчи ҳамширага топширганлигини, ўша куни навбатчиликда шифокор Д.Марасуловалигини, Ю.Ботиралиева насилкадан тушганидан сўнг насилкага қопланган мато устига тортилган селюфан пакетда кийимидан сидирилган қон излари қолганлигини, Ю.Ботиралиева туғруқхонага олиб келингунга қадар у қадар кўп қон йўқотмаганлигини, чунки Ю.Ботиралиева йўлда келаётган ватқида хушида, берилган саволларга жавоб бера олганлигини, ҳаттоки ўзи тушиб юриб киришга ҳам ҳаракат қилганлигини, агар қон кўп кетганида беморда албатта ўз таъсирини кўрсатиб унда ўзгариш бўлган бўлишлигини, у туғруқ бўлимига бемор Ю.Ботиралиевани соат 18:14 да топшириб ўз хизмат вазифасини давом эттиришлик учун Чорбоғтўронғи ТТЁ бригадасига кетганлигини, уни ҳолат бўйича билганлари шулардан иборатлигини, у эътиборсизлик қилиб навабатчи шифокор беморни қабул қилиш учун келишидан аввал навабатчи ҳамширага топшириб кетганлигини, у навабатчи ҳамширага бемор Ю.Ботиралиевани ҳомиладорлик 29-30 ҳафта эканлигини, белида кучли оғриқ пайдо бўлганлигини ҳамда жинсий аъзосидан қон кетаётганлигини

айтганида, у навбатчи шифокор билан гаплашганидан сўнг у беморни топшириб кетганлигини, у келгусида бундай камчиликларга иш фаолиятида йўл қўймаслигини, у бемор Ю.Ботиралиевани сўзларидан келиб чиқиб унинг ўзи унга 29-30 ҳафта ҳомиладор эканлигини айтганлиги сабабли у шундай кўрсатув берганлигини, у Ю.Ботиралиевани ҳомиладорлиги 29-30 ҳафта эканлигини йўналтирувчи қоғозга ҳам 29-30 ҳафта эканлиги ҳақида ёзув киритиб топширганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Фозилов Ахроржон Мансуркабирович суд мажлисида Фозилов Ахроржон Мансуркабирович Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қаршли 13-сонли оилавий поликлиникаси мудирини ҳамда 0,5 ставка умумий амалиёт шифокори лавозимида 1997 йилдан буён ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига ҳудуддаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, муолажалар қилиш, соғломлаштириш ишларини ўтказиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалари киришлигини, Бешариқ тумани, Чорбоғтўронғи МФЙ, Бўстон қишлоғида яшовчи бемор Ботиралиева Юлдузхонни яхши танишлигини, Ю.Ботиралиева унга бириктирилган ҳудудида яшовчи фуқаро ҳисобланишлигини, у мудир бўлганлиги сабабли кўпроқ идора ишлари билан банд бўлишлигини, шу сабабли Ю.Ботиралиевани поликлиникада ҳомиладорлик бўйича 2018 йил 23 октябрь куни “Д” ҳомиладорликнинг 12 ҳафталиги билан доя Усмонова Муясархон рўйхатга олганлигини, бу ҳомиладор аёлни у ўзи кўрикдан ўтказганлигини, миллий стандарт ҳомиладор аёл бўйича сийдик, қон анализларини топширтирганлигини, ҳомиладор аёлнинг бирон-бир оғриқ ёки касалликдан шикоятини бўлмаганлигини, беморда барча анализлар яхши чиққанлиги, фақатгина қони камроқ бўлганлигини, ҳомиладор аёлга ҳомиланинг яхши ривожланиши учун ВИТРУМ пренатални берганлигини, шунингдек, камқонлиги учун, гемоглабинни кўтариш учун Феромакс буюрганлигини, шикоятини бўлмаганлиги учун, ҳомиладорлик бўйича маслаҳатлар берганлигини, шундан кейин у охирги марта 2019 йил 04 март куни ҳомиладор аёл Ю.Ботиралиевани кўрикдан ўтказганлигини, шу куни кўрикдан ўтказган вақтида Ю.Ботиралиевада сийдик йўллари инфекцияси, анемия (камқонлик ўрта оғир даражаси), қонини таркибидаги гемоглабин миқдори 8,0 лигини ушбу тахшисларни қўйиб, Ю.Ботиралиевага шифохонага ётиш учун йўлланма берганлигини, лекин Ю.Ботиралиева шифохонада ётишни хоҳламаганлигини ва амбулатор тартибда уйда даволанишини ёзиб беришини унга илтимос қилганлигини, шу куни кўрганида Ю.Ботиралиевани 6-7 ёшлардаги қайнсинглиси ҳам борлигини, унга ётиб даволанишини айтганлигига қарамасдан у ўзи ҳамшира эканлигини ва уйда ўзи даволанишини айтиб ётишдан бош тортганлигини ва яшаш хонадонига кетганлигини, шундан сўнг Ю.Ботиралиева 13.03.2019 йилда туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлимига тез тиббий ёрдам автомашинасида олиб келинганлигини, Ю.Ботиралиева сийдик йўлларида оғриқни ҳис қилаётганлигини, сийишда қийналаётганлигини айтиб, унга шикоят қилмаганлигини, фақатгина сийдик таҳлилларида

сийдик йўллари шамоллаши аниқланганлигини, у Ю.Ботиралиевага 04.03.2019 йилда стационарда ётиб даволаниши ҳақида тиббий картага ёзиб қўйганлигини, у Ю.Ботиралиевани охирги марта яъни 04.03.2019 йилда кўрикдан ўтказган вақтида унда прекламписия белгилари бўлмаганлигини, сийдик йўллари инфекциясини лаборатор текширувларда аниқланганлигини, у лаборатор таҳлилларида сийдик йўллари инфекцияси (цистит) касаллиги бўлганлиги сабабли циститнинг асоратлари яъни пиеланефрит касаллигини келтириб чиқармаслигини олдини олиш учун шифохонага ётиб даволанишга йўлланма берганлигини, лекин Ю.Ботиралиева шифохонадан ётишдан бош тортганлигини, лекин ундан тилхат олмаганлигини, 04.03.2019 йилда Ю.Ботиралиевани кўрикдан ўтказган вақтида уни аҳволи шифохонада ётиб даволанишни тақазо қилмаслигини, шу куни шифохонага ётқизилмаганида ҳам уни ҳаёти ҳавф остида қолмаслигини, Ю.Ботиралиевада касалликларнинг оғир ҳавфли белгилари кузатилмаганлигини, сийдик йўллари инфекцияси профилактикаси ва асоратларини олдини олиш учун шифохонада ётиб даволаниш тавсия қилинганлигини, стандарт даволаш бўйича УЗИ текширувлари бўлган ва стандарт асосида даво муолажалари буюрилганлигини, Ю.Ботиралиевани гинеколог Аюбхожаева Сорахон кўрикдан ўтказганлигини, уролог кўригидан ўтказишлик учун кўрсатма бўлмаганлигини, Ю.Ботиралиева ҳомиладорлик вақтида унга бирор марта буйраклари оғриётганлигидан шикоят қилмаганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Эгамбердиев Умиджон Абдумаликович суд мажлисида у РШТТЎИМ Фарғона филиалида нерохирургик реанимация бўлимида врач-реаниматолог лавозимида 2015 йилдан буён ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига бўлимга олиб келинган оғир беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳаётга қайтариш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалардан иборатлигини, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 21 март куни у ишга бориб, бемор Ю.Ботиралиевани қабул қилиб олганлигини, Ю.Ботиралиева филиалга 20 март куни Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасидан оғир аҳволда олиб келинганлигини, бемор келган куни унга кейсарча кесиш операциясидан кейинги ҳолат 8-суткаси, ўткир буйрак етишмовчилиги, олигоанурия босқичи, уремия ва уремик-интоксикация ташхиси қўйилганлигини, у беморни кўздан кечирганида умумий аҳволи оғирлигини, яъни хуши қарахтлашганлиги, уремик-энцефалопатия белгилари борлигини, танаси шишганлиги, сатурация пастлиги, у беморни қабул қилиб олиб, унга даволаш муолажаларини буюрганлигини, яъни, беморга кислород улаганлигини, шунда ҳам сатурация кўтарилгани йўқлигини, шунга беморни ухлатганлигини, сабаби ўпкада ХРИБ, яъни дағал нафас олиш кучайганлигини, ўпка шиши бўлишини эътиборга олиб, интубация қилганлигини, шунингдек, дюретик дорилар буюрганлигини, қон реалогиясини яхшиловчи дориларни буюрганлигини, унинг организмига кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш, иккиламчи постгепоксик мия шишини олдини олиш учун кислород улаганлигини, шунда ҳам бемор оғир

аҳволда ётганлигини, бемордан сийдик ажралмаганлиги учун гемадиализ ўтказиш учун беморни сунъий буйрак бўлимига ўтказганлигини, у ерда бемор 1.5-2 соатча гемадиализ олиб, яна қайтариб бўлимга олиб чиққанлигини, яна муолажаларни давом эттирганлигини, кейинги кунлардан бошлаб беморга плазма қуйишни бошлаганлигини, беморни ҳаётга қайтариш учун барча зарурий чоралар кўрилганлигини, шунга қарамасдан беморда яхши томонга ўзгариш бўлсада, беморнинг ҳолати яна оғирлашиб, 11 апрель куни беморда биологик ўлим кузатилганлигини, РШТТЁИМ Фарғона филиалида бемор Ю.Ботиралиевани даволовчи шифокори у бўлганлигини ва у бевосита унга даволаш муолажаларини амалга оширганлигини, у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан қилинган тиббий муолажалардан тўлиқ маълумоти йўқлигини, уларнинг выпискасини кўрганида, қисқа ёзилганлигини, шу сабабли қандай муолажалар қилинганидан тўлиқ маълумотга эга эмаслигини, кейсарча кесиш операциясидан сўнг агар бемор сиймаган бўлсада, постгеморрагик шокдан чиқмаган бўлиши мумкинлигини, бундай ҳолатларда буйрак қайта маромида ишга тушиши жуда қийинлигини, бемор уларга олиб келинганда ундан сийдик чиқмаётганлигини, улар олиб борган тиббий муолажалар натажасида уни умумий ҳолати нисбатан яхшиланганлигини, танадаги шишлари камайганлигини марказий веноз босим нормаллашганлигини, оз миқдорда бўлса ҳам сийдик ажрала бошлаганлигини, шу сабабли у “Ю.Ботиралиева аҳволи яхшиланди” деб айтиб ўтганлигини, бемор Ю.Ботиралиева уларда тиббий қилинган муолажалардан кейин бемордан сийдик ажралиб чиққанлигини, лекин, буйракни ишлаш функцияси тикланмаганлигини, чунки организмда мавжуд сийдик чиққан бўлсада, буйракдаги захарли моддалар ташқарига ажралиб чиқмаганлигини, ушбу моддалар мачавина, креятелин беморда доимий баланд даражада бўлганлигини, беморда юқоридаги моддалар мачавина, креятелин беморда доимий баланд даражада бўлганлиги сабабли уремик интаксикация давом этганлигини, захарланиш ҳисобига кўплаб органларда етишмовчилик юзага келганлигини, моддалар алмашинуви жараёнида ўзгаришлар сақланиб қолганлигини қон ивиш тизими бузилиб, бемордан ошқозон ичак тизимидан уремик кўп қон кетиш кузатилиб қилинган ўткир реанимацион чораларга қарамасдан унда клиник ўлим бўлганлигини, у бемор Ю.Ботиралиевани қабул қилиб олганида ўткир буйрак етишмовчилиги белгиларидан учтасини аниқлаганлигини, биринчиси, беморда сийдик йўқлиги, иккинчиси беморнинг танасида шишишлар пайдо бўлганлиги, учинчиси марказий деноз (юралка кирадиган венани босими) баландлигини аниқлаганлигини, у бемор Ю.Ботиралиевани даволовчи шифокори бўлганлигини, беморга у 2019 йилнинг 20 март кунидан 2019 йилнинг 11 апрель кунига қадар у даволаганлигини, бемор Ю.Ботиралиеванинг соғлиги даволаш давомида нисбатан яхшиланганлигини, лекин беморда асосий касаллик ва уни асоратлари сақланиб қолганлигини, ўткир буйрак касаллигини асоратлари ва кўплаб органлар етишмовчилиги ҳисобига оғирлашганлигини, беморни

туғриқгача умумий ҳолатини тўғри белгилаш ундаги мавжуд бўлган касалликлар эрта аниқланганда ва туғруқхонада ўз вақтида беморни умумий ҳолати тўғри белгиланганда ва келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар ҳисобга олиниб ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб тўғри даволаш ишлари йўлга қўйилганда ўткир буйрак етишмовчилик белгилар юзага келганида мутахассислар томонидан кўрилганда, беморни ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Қодиров Ботиржон Абдихалилович суд мажлисида у Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасида бош шифокор лавозимида 04.09.2017 йилдан буён ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига тиббиёт бирлашмасига умумий раҳбарлик қилиш, молия, иқтисод йўналишлари бўйича раҳбарлик қилиш, ходимларни ишга қабул қилиш, тиббиёт бирлашмаси томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатилишини назорат қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар киришлигини, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 15 март куни эрталаб у ишга келганида унга “Оналик ва болалик” бўйича ўринбосари Д.Алиева бир кун аввал тиббиёт бирлашмасига ҳомиладор аёл Ю.Ботиралиева оғир аҳволда келтирилганлигини, бемордан қон кетганлиги сабабли, уни кейсарча кесиш йўли билан жарроҳлик ўтказилганлигини, лекин бола ўлик ҳолда туғилганлигини, бемор реанимацияда ётганлигини маълум қилганлигини, шундан кейин, у эрталабки кўрик вақтида беморни кўрганлигини, беморнинг аҳволи ўрта-оғирлигини, беморга реанимация бўлимининг шифокор-реаниматологи С.Рахимов қараб, муолажа қилаётганлигини, лекин 4-5 кун ўтиб, беморнинг умумий аҳволи оғирлашганлигини, яъни буйрак етишмовчилиги кузатилганлигини, кейин шифокорлар билан консилиум ўтказиб, РШТТЁИМ Фарғона филиалига ўтказишга қарор қилганлигини, 20.03.2019 йилда беморни РШТТЁИМ Фарғона филиалига шифокорлар С.Рахимов ҳамда Н.Усмонова кузатувида олиб келинганлигини, бу ерда қилинган тиббий муолажаларга қарамасдан, бемор Ю.Ботиралиева буйрак етишмовчилигидан 11.04.2019 йилда вафот этганлигини, “антинатал”, яъни “ҳомила даврида ўлим” содир бўлса, бу ҳақда прокуратура органларига хабар берилмаслигини, фақатгина чақалоқлар тирик туғилса ва 1 ёшгача чақалоқлар ўлган тақдирда туман прокуратурасига хабар берилишлигини, шу сабабли ҳам, у бу ҳақда туман прокуратурасига хабар бериш чораларини кўрмаганлигини, бу ҳолат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларида белгилаб қўйилганлигини, Фарғона вилоят прокуратураси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан 20.02.2015 йилда тасдиқланган Қўшма қарорда белгиланган талабларга кўра, оналар ўлими ҳақида хабарни ўлим қайси муассасада содир бўлса, ўша тиббиёт муассасасининг бош шифокори ёки унинг ўринбосари хабар бериши лозимлигини, шунга кўра, у бу ҳақида туман прокуратурасига хабар бермаганлигини, туман тиббиёт бирлашмасига олиб келинган беморларни бир шифохонадан бошқа бир шифохонага олиб ўтиш ваколатига даволаш ишлари бўйича ўринбосари А.Тўхтақулов, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари

Д.Алиевага албатта уни хабардор қилган ҳолда бошқа шифохонага ўтказиш ваколлатига эгалигини, шунингдек, бевосита ўзи томонидан бир шифохонадан бошқа шифохонага ўтказиш ваколлатига эгалигини, бемор Ю.Ботиралиевани бошқа шифохонага олиб ўтишлик ҳақида унга даволаш ишлари бўйича ўринбосари А.Тўхтакулов 20.03.2019 йилда айтганлигини, беморларда операция жараёнида йўқотилган қон хажмини операцияни амалга оширувчи масъул аниқлашлигини, бевосита операция жараёнида йўқотилган қон хажмига мос равишда қон қуйиш вазифаси хирург ва анестезиологга юклатилишлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ботиралиев Элбек Элмурод ўғли суд мажлисида ҳозирги кунда мавсумий ишлар билан шуғулланишлигини, у 2018 йил 28 август куни Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳар, Файзиобод МФЙда яшовчи 28.08.1996 йилда туғилган Ботиралиева (Самижонова) Юлдузхон Хошимжон қизига қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиева 2018 йил сентябрь ёки октябрь ойида Қишлоқ оилавий поликеникасига ҳомиладорлик бўйича “Д” назоратга олинганлигини, турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиева ҚОП мудирини А.Фозиловга тиббий кўрикдан ўтиш учун бориб турганлигини, турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиевани “сийдик йўлларида инфекцияланиш бор” деб дорилар ёзиб берганлигини, турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиева Бешариқ шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимида навбатчи ҳамшира бўлиб ишлаганлигини, турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиева бирор марта бирор жойи оғриётганлиги ҳақида унга шикоят қилмаганлигини, навбатчиликдан чиқиб уйга борган вақтларида ора-орада боши оғриётганлигини айтишлигини, уйда унга кўп иш қилдирмаслигини, турмуш ўртоғи соғломлигини, унга бирор марта касал ёки касал эмаслиги ҳақида айтмаганлигини, 2019 йил 13 март куни соат 16 ларда турмуш ўртоғи яшаш хонадонига ховлида у ёқдан бу ёққа юриб қолганлигини, шунда у “Юлдузхон тинчликми нима бўляпти, нима безовта қиляпти” деб сўраганлигини, унга “йўқ ўзим” деб индамаганлигини, шундан сўнг у Ю.Ботиралиевани олдин бунақа ҳолатда ғалати бўлиб юрганлигини кўрмаганлиги сабабли онаси Д.Холиқовани чақириб “ая қарангчи келингизга нима бўляпти экан” деб айтганлигини, шундан сўнг онаси Ю.Ботиралиевани уйни ичига олиб кириб кетганлигини ва бироз ўтиб “тез тиббий ёрдам хизматида кўнғироқ қилиб уларни чақир” деб айтганлигини, шундан сўнг тез тиббий ёрдам хизматида кўнғироқ қилиб уларни чақирганлигини, тез тиббий ёрдам хизмати тахминан 5-10 дақиқаларда яшаш хонадонига етиб келганлигини, шундан сўнг у шифокорни Ю.Ботиралиевани олдида олиб кирганлигини, шифокор Ю.Ботиралиевани қон босимини ўлчаб кўрганида 140/100 чиққанлигини ва унга “қон босими ошиб кетибди” деб шифокор айтганлигини, онаси унга “ташқарига чиқиб тур” деганидан сўнг у ташқарига чиқиб кетганлигини, орадан 5 дақиқа ўтар-ўтмас онаси уни чақирганлигини, у хонани ичига кирганида шифокор укол тайёрлаётганлигини, шунда Ю.Ботиралиева “ўзимга-ўзим укол қиламан” деб айтганлигини, у Ю.Ботиралиевага караганида ундан қон кетаётганлигини, шифокорга “уни гапларига эътибор

берманг, уколни қилоринг” деб айтганлигини, шундан сўнг шифокор укол қилганлигини ва Ю.Ботиралиевани туман Марказий шифохонасига олиб бориш зарурлигини айтганлигини, тез тиббий ёрдам автомашинасини ҳовлига олиб кириб Ю.Ботиралиевани насилкада автомашинага чиқарганлигини, у автомашинага сиғмаганлигини ва уларни ортидан маҳалладошини автомашинасида туман Марказий шифохонасига етиб борганлигини, туғруқ бўлимига етиб борганида Ю.Ботиралиевани операцияга олиб кириб кетиб бўлишганлигини, Ю.Ботиралиева операциядан тахминан 2 соатларда чиққанлигини, операциядан тўғри реанимация бўлимига олиб кирилганлигини, реанимация бўлимига олиб ўтилганидан сўнг шифокор Н.Усмонова уни олдига чақириб “хотинингизни кесерча кесиш операция йўли билан болани олдик, ўғил жинсли экан қорнида вафот этиб бўлган экан, хотинингизни сақлаб қолдик” деб айтганлигини, у “майли хотиним тирик қолган бўлса бўлди” деб айтганлигини, у операциядан Ю.Ботиралиева чиққанидан сўнг шифохонада бирор нима керак бўлиши мумкин деб ўйлаб ўша куни шифохонада қолганлигини, эртаси куни яъни 14.03.2019 йил куни соат 08:30 ларда Ю.Ботиралиевани кириб кўрганида Ю.Ботиралиевани юзларида, кўлларида, оёқларида шишишлар борлигини, у хушида бўлмаганлиги сабабли у билан гаплаша олмаганлигини, шифокорлардан ҳар кирганида қандай дорилар керак эканлигини сўраганида улар қон ва плазма керак эканлигини, ҳар-хил турдаги дориларни олиб келишини айтганида у уларни барча айтган дори воситаларини олиб берганлигини, Ю.Ботиралиевага ҳар куни сийдик ҳайдовчи дориларни олиб бериб турганлигини, Ю.Ботиралиева ҳолатини шифокор С.Рахимовдан сўраганида у оз миқдорда сийдик келаётганлигини айтганлигини, кейинчалик билишича сийдикни фақат дорилар ёрдамида келтириб турилган эканлигини, Ю.Ботиралиева туман тиббиёт бирлашмаси Реанимация бўлимида 7 кун ётган бўлса 1 кун бир маротабагина ўзи мустақил сийганлигини, ўшанда ҳам жуда оз миқдорда сийганлигини, 2019 йил 19 март куни эрталаб у С.Рахимовга “УЗИда текшириб кўриш керак” деб айтганлигини, шунда С.Рахимов “биринчи қаватда УЗИ аппарати бор, ўша ерга юриб олиб тушинглар, Ю.Ботиралиева юриши керак” деб айтганлигини, шундан сўнг у қайнотаси Х.Мамажонов билан бирга Ю.Ботиралиевани биринчи қаватга олиб тушганлигини, УЗИ аппаратига тушганлигини ва аппаратда Ю.Ботиралиевани “иккала буйраклари ҳам пардага ўхшаб оппоқ бўлиб қолибди, аниқ кўриб бўлмапти” деб шифокор айтганлигини, УЗИ хонасида Ю.Ботиралиевани ётган жойида юзини бир томони тортишиб қолиб судурги бериб қолганлигини ва зудлик билан насилкага солиб Реанимация бўлимига олиб чиққанлигини, шундан сўнг уларни Реанимация бўлимидан чиқариб юборишганидан сўнг эшикни ойнасидан қараганида Ю.Ботиралиевага ҳаво аппаратларини ўрнатиб қўйганлигини, эртаси куни 20.03.2019 йил куни шифокор С.Рахимов уни, қайнотаси Х.Мамажонов ва қайнонаси “Азизахон”ларни хонасига чақирганлигини, хонага кирганидан сўнг С.Рахимов “ака Юлдузхонни

Фарғона шахридаги шифохонага олиб бориш керак, ўша ерга олиб борамиз” деб айтганлигини, шундан сўнг тез тиббий ёрдам автомашинасида Фарғона шахрига олиб борганлигини, у ерда шифокорлар Ю.Ботиралиевани қабул қилмаслигини Бешариқ тумани шифокорларига айтганлигини, “нега вақтида олиб келмадиларинг, ахволи жуда оғирлашиб кетибди” деб шифокорлар айтишганлигини, Н.Усмонова улар билан бир нималар деб гаплашганлигини, бу орада унга қон ва плазма олиб келишини айтишиб жўнатиб юборишганлигини, орадан 20 дақиқалар вақт ўтиб С.Рахимов телефон қилиб, “биз қайтпмиз нарсаларингни шифохонанинг ташқарисига қўйиб қўйдик” деб айтиб кетиб юборганлигини, у шифохонага келганида нарсалар ҳар жойга сочилиб ётганлигини, Ю.Ботиралиева 20.03.2019 йил куни Фарғона шахридаги шифохонага борган бўлса, шифохонада 11.04.2019 йил кунига қадар ўша ерда бўлганлигини, Фарғона шахрида шифокорлар Ю.Ботиралиевага қўлидан келган барча ишларни амалга ошириб ёрдам беришганлигини, лекин улар томонидан олиб борилган муолажаларга қарамасдан Ю.Ботиралиева 11.04.2019 йил куни ўша ерда вафот этганлигини, турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиева ҳомиладорлик вақтида бирор-бир касаллик билан оғримаганлиги ёки унга бирор марта бирор жойи оғриётганлиги ҳақида шикоят қилмаганлигини, УАШ шифокори А.Фозилов “сийдик йўлларида инфекция бор экан” деб шифохонада ётиб даволаниши айтганлигини, бу ҳақида онаси унга айтганлигини, онаси Ю.Ботиралиевага “бориб шифохонада даволангин” деб айтганлигини, лекин Ю.Ботиралиева “ётмайман ўзимни-ўзим даволайвераман” деб айтиб қайсарлик қилганлигини, у Ю.Ботиралиевага “нега шифохонада ётмаяпсан” деб сўраганида “мен ўзимни-ўзим даволаёвераман, арзимаган шамоллашга ҳам ётиб даволанаманми” деб унга ҳам қайсарлик қилиб шифохонада ётмаслигини айтганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ҳолиқова Дилором Турғунбоевна суд мажлисида у ҳозирги кунда уй бекаси эканлигини, Бешариқ тумани, Чорбоғтўронғи МФЙ, Бўстон қишлоғида яшовчи Холиқов Элмуроджонга турмушга чиққанлигини, ўртасида 5 нафар фарзандлари борлигини, катта фарзанди Ботиралиев Элбекжон Бешариқ тумани, Файзиобод кўчасида яшовчи 1996 йилда туғилган Ботиралиева (Самижонова) Юлдузхон Хошимжоновнага 2018 йил 28 августда қонуний никоҳдан ўтқазиб келин қилиб олиб келганлигини, келини Ю.Ботиралиева уйига келин бўлиб келган вақтида уйида оғир ишлар қилмаганлигини, Ю.Ботиралиевага яхши гапириб яхши муомилада бўлиб келганлигини, ўғли Э.Ботиралиев турмуш ўртоғи Ю.Ботиралиева билан муносабатлари яхшилигини, келини Ю.Ботиралиева ҳомиладорлик вақтида ўғли бирор марта уришиб жанжаллашмаганлигини, чунки ўғли Э.Ботиралиев келини билан яхши кўришиб келганлигини, келини Ю.Ботиралиева ҳомиладорлик вақтида Бешариқ тумани, Чорбоғтўронғи оилавий поликлиникасида рўйхатга турганлигини, умумий амалиёт шифокори ва маҳалла ҳамширалари уйига келиб келинидан хабар олиб турганлигини, келини оилавий поликлиникага бориб керакли

мутахассисларга учраганлигини, шифокорлар томонидан УЗИ текширувларидан ўтишни буюрганлиги ва келини Ю.Ботиралиева УЗИ текширувларидан ўтганлигини, келини Ю.Ботиралиева бирор марта соғлигидан шикоят қилмаганлигини, 13.03.2019 йил куни соат 17ларда ўғли Э.Ботиралиев унга “келинингизга қараб юборинг” деб айтганлигини, у шунда келини Ю.Ботиралиевани олдига бориб “тинчликми” деб сўраганлигини, келини Ю.Ботиралиева “белим оғрияпти” деб айтганлигини, у келинига қараганида Ю.Ботиралиевадан қон келаётганлигини унга айтганлигини, шунда у ўғлига тез ёрдам чақиринлигини айтганлигини, ўғли телефон орқали тез ёрдам чақирганлигини ва шифокорлар келиб келини Ю.Ботиралиевани қон босимини ўлчаб кўриб қон босими юқорилигини айтганлигини ва укол қилиб қўйганлигини, шу куни келинини тез ёрдам машинасини насилкасига солиб машинада Бешариқ туман Тиббиёт бирлашмасини Туғруқ бўлимига олиб келганлигини ва шифокорлар томонидан қабул қилиб олганлигини, келиндан қон кетаётганлиги сабабли “тезда операцияга олиб кириб кетамиз” деб шифокорлар айтганлигини, шу билан сумкага солинган яъни келинига керакли нарсаларини ҳамширалардан бериб юборганлигини, ўзи эса ташқарида қолганлигини, чунки уни ичкарига киргизмаганлигини, операция вақтида врачлар томонидан ёзиб берилган дориларни олиб келиб берганлигини, шифохонага келишдан олдин уйда келинидан озгина қон аёллар латтасига томганлигини, йўлда машинада келинидан аёллардан туғруқ вақтида келадиган қон аёллар латтасидан ўтиб иштонидан ҳам ўтганлигини, озгина кўйлагига ҳам қон текканлигини, шу куни келини операциядан тахминан соат 20 ларда чиққанлигини, унга шифокорлар томонидан “келинингизни фарзанди яъни неварангиз ўғил жинсли экан ва йўлдош кўчканлиги сабабли болани буйраклари қисилиши натижасида вафот этган” деб айтишганлигини, у шунда нима сабабдан шундай бўлганлигини сўраганида шифокорлар келини бир томонлама ётиб юрганлиги, буйрақлар етишмовчилиги, қон кетиши натижасида вафот этганлигини тушунтирганлигини, Марказий шифохона Гематолог шифокори фарзандини иккала кўкрагида нуқсон билан туғилганлигини ўғли Э.Ботиралиевга айтганлигини, келинини ҳолатини, соғлиғини билиб уйга кетганлигини ва шифокорлар томонидан неварасини оқ матога ўраб олиб чиқиб берганлигини ва уйига олиб кетганлигини, эртаси куни келинини соғлигидан хабар олиш учун марказий шифохонага келганида, келинини юзларида шишлари, қовоқларида димиқишлар ҳамда қорин қисмлари шишганлигини кўрганлигини, келинига уч кун сийдик йўлларида катетер улаб қўйганлигини, катетер орқали сийиб юрганлигини, шу билан келини катетерсиз ҳожатхонага бориб келиб юрганлигини, 19.03.2019 йил куни марказий шифохона шифокори С.Рахимов УЗИ текширувига тушишлигини айтганлигини, келинини ота-онаси УЗИ текширувига олиб тушганлигини ва УЗИ текширувига тушиб орқасига қайтаётган вақтида келинига судурги бериб қолганлигини, у шу куни овқатни солиб йўлга

чиқаётганида ўғли Э.Ботиралиев унга телефон қилиб “келинингиз оғирлашиб қолди, биз келинингизни Фарғона вилоят шифохонасига олиб кетаяпмиз орқамиздан бораверасиз” деб айтганлигини, шу билан ўғлини орқасидан таксида Фарғона вилоят шифохонасига борганлигини ва келини ётган шифохонани топганлигини, шунда ўғли Э.Ботиралиевдан нима бўлганлигини сўраганида ўғли “келинингизни шифохонани ичкарасига олиб кириб кетди” деб айтганлигини, шифокорлар томонидан ёзиб берилган дориларни ўз вақтида олиб келиб берганлигини, у шифокор “Умиджон” билан гаплашганида “келинингизни иккала буйраклари оқариб, қуришга келганлигини, ўпкалари ишда чиққан” деб айтганлигини, шифокорлар томонидан келини Ю.Ботиралиевани “Гемодиализ” қилиш учун ота-онасини ҳамда уларни розилигини олишганлигини, келини Ю.Ботиралиева икки мартаба “тронга” учраганлигини шифокор айтганлигини, шифокорларни муолажаларига қарамасдан келини Ю.Ботиралиева 11.04.2019 йил куни вафот этганлигини, келини Ю.Ботиралиева ҳомиладорлик вақтида бирор-бир касаллик билан оғримаганлигини, келини унга бирор марта бирор жойи оғриётганлиги ҳақида шикоят қилмаганлигини, УАШ шифокор И.Чилматова келинини сийдик йўллари инфекцияси борлигини шифохонага бориб ётиб даволанишини айтганлигини, у келинига шифохонада ётиб даволанишини айтганида, келини Ю.Ботиралиева “озгина шамоллашга ҳам ётиб даволанавераманми” деб “ётмайман, уйда даволанаман” деб айтиб қайсарлик қилиб ётишдан бош тортганлигини, келинини у 14.03.2019 йил куни эрталаб 08:30 ларда реанимация бўлимида ётган вақтида кириб кўрганида унинг юзларида, кўлларида, қоринларида шишишлар борлигини, у ўзи мустақил сия олмаётганлигини, унга катетер уланган ҳолда баклашкага сияётганлигини, келинида олдин шишишлар пайдо бўлмаганлигини, улар ўз ҳисобларидан келинингиз 13 март кунидан бошлаб даволанишига ва вафотидан сўнг дафн маросимларига 7.800.000 сўм сарфлаганларини, ушбу суммани суд даврида судланувчилар томонидан қопланганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчилар Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич, Рахимов Санжар Шокирович ва Махсудов Улуғбек Ғуломовичларнинг жиноят содир этганликда айби, уларнинг ўзларининг, жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари суд мажлисида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳлар А.Ахроров, Н.Ибрагимов, И.Чилматова ва Д.Алиеваларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари (и.в. 3-ж 99-103, 104-110, 1-ж 106-108, 109-112) ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган тушунтириш хатлари (и.в. 1-ж 38-58, 83-84), экспертиза хулосаси (и.в. 1-ж 62-82), комиссия суд-тиббий экспертизаси хулосаси (и.в. 3-ж 5-31) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевичнинг жиноий ҳаракатини дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб

ҳисоблайди. Чунки, судланувчи И.Ўсаров ўз касбий фаолиятини талаб этилганидек бажармасдан, Ю.Ботиралиевани тўғри даволаш чораларини кўрмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик ва инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, касби юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, бепарво ва ўз-ўзига ишонгани ҳолда 11.04.2019 йил куни Ю.Ботиралиевани ўлишига сабабчи бўлиб жиноят содир этган.

Суд, судланувчи Махсудов Улуғбек Ғуломовичнинг жиноий ҳаракатини дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, судланувчи У.Махсудов ўз касбий фаолиятини талаб этилганидек бажармасдан, Ю.Ботиралиевадаги йўқотилган қон ҳажмини нотўғри аниқлаб, шунга мос тарзда йўқотилган қон ўрнини етарли даражада тўлдирмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик ва инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, касби юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, бепарво ва ўз-ўзига ишонгани ҳолда 11.04.2019 йил куни Ю.Ботиралиевани ўлишига сабабчи бўлиб жиноят содир этган.

Суд, судланувчи Рахимов Санжар Шокировичнинг жиноий ҳаракатини дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, судланувчи С.Рахимов ўз касбий фаолиятини талаб этилганидек бажармасдан, Ю.Ботиралиевани тўғри даволаш чораларини кўрмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик ва инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, касби юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, бепарво ва ўз-ўзига ишонгани ҳолда 11.04.2019 йил куни Ю.Ботиралиевани ўлишига сабабчи бўлиб жиноят содир этган.

Суд, судланувчи Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, шахсини ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 5 нафар фарзандлари борлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини даъвоси йўқлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини судланувчига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни содир этишда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорини раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, уни айбига иқрор ва пушаймонлигини, шахсини ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 5 нафар фарзандлари борлигини, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-

моддасини қўллаб, моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Махсудов Улуғбек Ғуломовичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, шахсини ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини даъвоси йўқлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини судланувчига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни содир этишда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорини раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, уни айбига иқрор ва пушаймонлигини, шахсини ижобий тавсифланганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни, шунингдек Махсудов Улуғбек Ғуломовичга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2018 йил 10 август кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 7 (етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли шартли озод қилинганлиги ҳақидаги ажримини бекор қилиб, унга нисбатан тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан, узил кесил ўташ учун моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи Рахимов Санжар Шокировичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, шахсини ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини даъвоси йўқлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини судланувчига нисбатан қонун доирасида енгиллик берилишини сўраганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни содир этишда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорини раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, уни айбига иқрор ва пушаймонлигини, шахсини ижобий тавсифланганлигини, муқаддам

судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўлаб, ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўлаб, моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топади.

Бундан ташқари суд, жиноят ишига қўшилган ашёвий далил тариқасида олинган № 11-сонли самолит, 13-сонли Оилавий поликлиника томонидан Ю.Ботиралиева номига очилган амбулатор тиббий карта, 13-сонли Оилавий поликлиника томонидан Ю.Ботиралиева номига очилган № 73-сонли ҳомиладор аёлнинг шахсий варақаси, Бешариқ туман Тиббиёт бирлашмаси томонидан Ю.Ботиралиева номига юритилган 3692-сонли беморнинг тиббий баённомаси, Республика Шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали томонидан Ю.Ботиралиева номига юритилган 7991-сонли беморнинг тиббий баённомалари ашёвий далил деб эътироф этишни ва жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўлаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 45,57-моддасини қўлаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Жазони ижро этириш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ жазони ўташ учун юборилган корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин.

Судланувчи Ўсаров Исроилжон Каримқўзиевич томонидан эҳтиёт чораси тариқасида қўйилган ва АТИБ Фарғона вилояти “Ипотека Банк”нинг Фарғона вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 4.474.000 (тўрт миллион тўрт юз етмиш тўрт минг) сўм гаров пуллари И.Ўсаровга қайтарилсин.

Судланувчи Махсудов Улуғбек Ғуломович Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Махсудов Улуғбек Ғуломовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 45,57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Махсудов Улуғбек Ғуломовичга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2018 йил 10 август кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 7 (етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги ҳақидаги ажримини бекор қилиб, унга нисбатан тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил ўташ учун 2 (икки) йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti 2 (икки) йил 10 (ўн) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Жазони ижро эттириш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ жазони ўташ учун юборилган корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Махсудов Улуғбек Ғуломовичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин.

Судланувчи Рахимов Санжар Шокирович Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Рахимов Санжар Шокировичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 45,57-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Жазони ижро эттириш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ жазони ўташ учун юборилган корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Рахимов Санжар Шокировичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин.

Судланувчи Рахимов Санжар Шокирович томонидан эҳтиёт чораси тариқасида қўйилган ва АТИБ Фарғона вилояти “Ипотека Банк”нинг Фарғона вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 4.474.000 (тўрт миллион тўрт юз етмиш тўрт минг) сўм гаров пуллари С.Рахимовга қайтарилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакилини судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинб жиноят ишига қўшилган № 11-сонли самолит, 13-сонли Оилавий поликлиника томонидан Ю.Ботиралиева номига очилган амбулатор тиббий карта, 13-сонли Оилавий поликлиника томонидан Ю.Ботиралиева номига очилган № 73-сонли ҳомиладор аёлнинг шахсий варақаси, Бешариқ туман Тиббиёт бирлашмаси томонидан Ю.Ботиралиева номига юритилган 3692-сонли беморнинг тиббий баённомаси, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали томонидан Ю.Ботиралиева номига юритилган 7991-сонли беморнинг тиббий баённомалари ашёвий далил деб эътироф этилсин ва жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи :-

Ф.Собиров

